В рамках духовно-просветительской работы со студентами при участии З.Р.Ишанходжаевой организовывались круглые столы и встречи с заслуженными людьми страны, фестивали, художественные выставки, спортивные соревнования, концерты, просмотры фильмов и театральные посещения. С учётом интересов студентов регулярно проводились профилактические беседы и встречи с представителями правоохранительных органов и ведущими врачами. Одновременно З.Р. Ишанходжаевой были разработаны некоторые учебные академические курсы, в том числе авторские специальные курсы - История Узбекистана для твор-

ческих ВУЗов, История Узбекистана (советский период) для студентов исторических факультетов, История культуры и искусства Узбекистана, Научное наследие ученых-энциклопедистов Востока, Цифровая история, Воспитание - для студентов бакалавриата « История» , а также Методология научных исследований, Актуальные вопросы истории Узбекистана XIX – XX вв, ;История земельно-водных отношений в Центральной Азии, Современная история Узбекистана и др. для магистратуры по история Узбекистана.

З.Р.Ишанходжаеваа неоднократно участвовала в различных международных и республиканских научно-практических конференциях, международных семинарах и круглых столах. Одной из заметных в этой области является работа в качестве эксперта государственного музея «Памяти репрессий», члена Ученого совета музея «Шон Шараф» - Комплекса Парк Победы. Активно участвовала в формировании этих музеев и способствовал процессу выявления новых данных, касающихся истории репрессий и истории Второй мировой войны. Ишанходжаева- является членом редколлегии ряда зарубежных и отечественных научных журналов.

Постоянно З.Р. Ишанходжаева занимается общественной и воспитательной работой. Она является заместителем председателя Ассоциации женщин Узбекистана «Олима», ведет активную работу по поддержке женщин-ученых, работающих во всех регионах республики, в популяризации их талантов и научных достижений, по представлению молодых ученых Узбекистана и их достижений мировому научному сообществу.

За активную работу в воспитании молодежи в мае 2020 года награждена Почетным знаком «За активное участие в воспитании подрастающего поколения в духе воинского патриотизма» Министерства обороны Республики Узбекистан, а 20 мая 2021 года награждена Почетной Грамотой хокимиата г. Ташкента «Маърифатли аёл», в июне 2023 года

- нагрудным знаком «Ветеран труда», в сентябре 2025 г. «Миллий университет фидокори», неоднократно награждаласьа грамотами Министерства ВУЗов, науки и инноваций, ректората и факультета. З.Р.Ишанходжаева пользуется заслуженным авторитетом среди научной общественности как в Узбекистане,так за пределами страны и в республике, среди профессорско-преподавательского состава ВУЗов страны и среди своих коллег, активно участвует и сегодня в работе университета и кафедры, .стремится к дальнейшему совершенствованию и повышению, своего научного потенциала. З.Р.Ишанхожаевой подготовлен целый ряд учеников – докторов наук, PhD, магистров истории.При этом она имеет троих детей и восемь внуков.

В сфере научных интересов Замиры Райимовны Ишанходжаевой - История экономического и культурно-гуманитарного сотрудничества Узбекистана и России;- История Узбекистана второй пол. XIX -го – XX- го вв; История вклада Узбекистана в Победу во Второй мировой войне;- Научное наследие мыслителей Востока IX – XII вв;- Цифровая история (Цифровые технологии в историческом образовании и научных исследованиях).

Будучи по натуре добрым, в чем-то восторженным, но и волевым, инициативным, креативным человеком, всегда может расположить к себе людей. Она обладает организаторскими способностями, может сформировать группу единомышленников и может мобилизовать их для решения задач, стоящих перед высшим образованием страны.

Подведем некоторые итоги нашего рассказа о женщине-ученом- человеке. Рассказ о З.Р.Ишанходжаевой был бы неполон, если бы здесь мы не отметили и её высокие человеческие качества - доброжелательность,. уважение к людям, стремление всегда им помочь; сочетание высокого интеллекта и стремления к поиску нового во всем - науке, методике, организации учебного процесса. При этом Зами-

ра Райимовна всегда остается сердечным, добрым, отзывчивым человеком.

Неутомимо и постоянно ищет новые пути в преподавании истории Узбекистана, она одновременно всегда помогает молодежи студентам в меру свих сил. Для Замиры Райимовны характерно стремление всячески способствовать формированию у студентов-бакадавриата и магистрантов творческого отношения к науке,, повышению их культурного уровня. И даже там - где казалось бы сфера деятельности иная - З.Р.Ишанхожаева стремится к тому чтобы студенты могли себя проявить в сфере искусства, сколько ярких празднований в стенах исторического факультета проходило при её активном участии. Нельзя не вспомнить что именно благодаря ей были введены новые важные учебные предметы, курсы в учебный процесс на историческом факультете. Много сделала З.Р.Ишнаходжаева и для развития музейного дела в Узбекистане. в том числе в области высокой и благородной цели - сохранению памяти о героических подвигах узбекистанцев в годы войны с фашизмом –в на фронте и в тылу.

Именно З.Р. Ишанходжаева сыграла большую роль в установлении международных связей истфака НУУз; наконец именно благодаря ей появились многие первые учебные и методические пособия для студентов-историков в Республике Узбекистан; было создано играющее большую роль в подготовке высококвалифицированных кадров специалистов в области архивного дела, направление бакалавриата по архивоведению и документоведению, и магстратуры на его базе.

Крупный ученый талантливый педагог, неустанно находящийся в поиске нового в высшем образовании, в т.ч. и в использовании интерактивных методов в обучении, информационных технологий, информатизации учебного процесса.

З.Р.Ишанходжаеваа находится в расцвете сил и вносит свой немалый вклад в развитие исторической науки и образования в суверенном Узбекистане!

USTOZLIK - BILIM VA MA'NAVIYAT UYG'UNLIGI: ZAMIRA RAYIMOVNANING HAYOTIY VA ILMIY FAOLIYATIGA CHIZGILAR

J.H. Ismailova,
O'zbekiston tarixi davlat muzeyi direktori
tarix fanlari doktori, professor

Ushbu maqolada ko'p yillik kasbiy tajribaga ega pedagog, jamoatchilik orasida yuksak hurmat-e'tiborga sazovor bo'lgan Zamira Rayimovnaning ta'lim-tarbiya sohasidagi faoliyati, shaxsiy va kasbiy fazilatlari hamda tarixiy xotirani asrash va targ'ib etishga qaratilgan ilmiy-ma'rifiy ishlari tahlil qilinadi. U o'zining kamtarligi, chuqur bilimdonligi va yuksak kasbiy mahorati bilan ustoz-pedagoglar orasida alohida o'rin egallab kelmoqda. Zamira Rayimovna ta'lim-tarbiya jarayonida fidoyilikni hayot tamoyiliga aylantirgan, yosh avlodni o'z xalqi tarixi, milliy qadriyatlari va ma'naviy merosiga hurmat ruhida tarbiyalashga qaratilgan izchil faoliyati bilan ajralib turadi.

Zamira Rayimovna tarixchi olima sifatida ko'p yillar davomida o'zining kamtarligi, chuqur bilimdonligi va yuksak kasbiy mahorati bilan ustoz-pedagoglar orasida alohida o'rin egallab kelmoqda. Zamira opa ko'p yillik amaliy tajribaga ega, ta'lim-tarbiya jarayonida fidoyilikni o'z hayot tamoyiliga aylantirgan pedagog sifatida ajralib turadi. U yosh avlodni o'z xalqi tarixi, milliy qadriyatlari va ma'naviy merosiga hurmat ruhida tarbiyalash, ularga mustahkam bilim berish yo'lida o'zining bor salohiyati va imkoniyatlarini ayamay kelayotgan ustozdir.

Ma'lumki, jamiyat taraqqiyoti, avvalo, ta'lim-tarbiya tizimining samaradorligi bilan uzviy bog'liq. Bu borada ma'rifatparvar alloma Abdulla Avloniyning: «Har bir muallimning saodati,

davlatlarning tinchligi va rohati yoshlarning yaxshi tarbiyasiga bog‘liqdir», degan fikrlari bugungi kunda ham o‘z ahamiyatini yo‘qotmagan. Har qanday jamiyatda ustoz zoti doimo e’zozlangan, uning mehnati va xizmatlari alohida qadrlangan. Jumladan, sohibqiron Amir Temur o‘z vasiyatida ustozi va piri Sayid Baraka qabri poyiga dafn etilishni so‘ragani ustozga bo‘lgan cheksiz ehtiromning yorqin namunasidir.

Darhaqiqat, ustoz – buyuklar ichra buyuk zotdir. Ilm-fan taraqqiyotiga ulkan hissa qo‘shgan Al-Xorazmiy, Abu Ali ibn Sino, Abu Rayhon Beruniy kabi mutafakkirlarning ham ilm olamiga qadam qo‘yishi, avvalo, ustozlar mehnati va yo‘l-yo‘riqlari bilan bog‘liq bo‘lgan. Bu esa ta’lim tizimida ustoz shaxsining o‘rni beqiyos ekanini yana bir bor tasdiqlaydi.

Muallif sifatida Zamira opani ko‘p yillardan beri yaxshi taniyman. U kishining kasbiy faoliyati bilan bir qatorda, yuksak insoniy fazilatlari – mas’uliyatlilik, sabr-toqat, jamoa bilan ishlash madaniyati va tashabbuskorligi alohida e’tiborga molik.

Xususan, 2020-yilda Shon-sharaf muzeyini tashkil etish jarayonida Zamira opa bilan birgalikda faol ishtirok etdik. Bu davr barchamiz uchun mas’uliyatli va murakkab sinov bosqichi bo‘ldi. Pandemiya sharoitiga qaramasdan, har kuni shtab va muzeyda tizimli ravishda ish olib borildi. Qat’iy cheklovlar hukm surgan, shahar hayoti deyarli to‘xtab qolgan bir paytda ham jamoa a’zolari faqat muzey ekspozitsiyalari, arxiv materiallarini yig‘ish va ilmiy tahlil qilish masalalari bilan band bo‘ldilar.

Zamira Rayimovna ushbu jarayonda ham arxiv materiallarini o‘rganishda, ham muzey shtabi faoliyatini muvofiqlashtirishda faol ishtirok etdilar. Ayniqsa, O‘zbekistonning Ikkinchi jahon urushi davridagi faoliyati, front va front ortida ko‘rsatilgan jasorat, shuningdek, g‘alabaga qo‘shilgan ulkan hissasiga oid yangi ilmiy ma’lumotlarni aniqlash va tizimlashtirishda ularning hissasi juda salmoqli bo‘ldi. Bugungi kunda faxr bilan tilga olinayotgan ko‘plab tarixiy dalil va materiallar aynan shu

izlanishlar natijasida ilmiy muomalaga kiritildi.

Shon-sharaf muzeyini tashkil etish jarayonida ko‘plab tarixchi olimlar, tadqiqotchilar va soha mutaxassislari yuksak fidoyilik va mas’uliyat bilan mehnat qildilar. Ularning izchil ilmiy izlanishlari, arxiv manbalarini chuqur tahlil etishi hamda tarixiy dalillarni tizimlashtirishga qaratilgan sa’y-harakatlari natijasida muzeyning ilmiy konsepsiyasi shakllantirildi.

Bugungi kunda Shon-sharaf muzeyi nafaqat mamlakat miqyosida, balki xalqaro maydonda ham muhim ma’naviy-ma’rifiy maskan sifatida faoliyat yuritmoqda. Unda namoyish etilayotgan ekspozitsiyalar orqali o‘zbek xalqining Ikkinchi jahon urushi davrida fashizm ustidan qozonilgan g‘alabaga qo‘shgan munosib hissasi, front va front ortidagi mehnati, matonati va jasorati ilmiy asoslangan holda jahon jamoatchiligiga namoyon etilmoqda.

Zamira Rayimovna ko‘p yillik kasbiy tajribaga ega pedagog sifatida ta’lim-tarbiya sohasida alohida o‘rin egallab kelmoqda. U yosh avlodni o‘z xalqi tarixi, milliy merosi va ma’naviy qadriyatlariga hurmat ruhida tarbiyalash, ularda tarixiy tafakkur va fuqarolik ongini shakllantirish yo‘lida uzluksiz mehnat qilib kelayotgan fidoyi ustozdir. Ta’lim jarayonida zamonaviy pedagogik yondashuvlardan samarali foydalangan holda, o‘quvchilarga chuqur va tizimli bilim berishda o‘zining bor salohiyati va kasbiy mahoratini ayamay kelmoqda.

Bu o‘rinda ayti joizki, Abdulla Oripov ijodida ustoz shaxsiga bag‘ishlangan ushbu satrlar mazmun-mohiyati jihatidan aynan siz kabi fidoyi, o‘z kasbiga sidqidildan yondashadigan ustozlarning ma’naviy qiyofasini ifoda etadi. Shoir ustozni inson kamolotiga yetaklovchi, ilm-fan va ma’rifatning asosiy manbai sifatida ulug‘laydi. Asarda jahon va milliy madaniyat namoyandalari – tarixchilar, mutafakkirlar va shoirlar nomi tilga olinib, ularning barchasi ma’naviy jihatdan ustoz siymosi bilan bog‘lab talqin qilinadi. Shoir ta’lim-tarbiya jarayonini avlodlar uzviyligini ta’minlovchi muqaddas risolat sifatida baholaydi

hamda ustozni millat taqdiri, tarixiy xotira va ma’naviy meros davomiyligining asosiy kafolati sifatida ko‘rsatadi. Mazkur g‘oyalar Zamira Rayimovna kabi ustoz shaxsining jamiyatdagi o‘rni va ahamiyatini yoritishda muhim nazariy asos bo‘lib xizmat qiladi.

Muallim haqida so‘zim ushbudir:
Muallim kamolot ichra ko‘zgudir.
O‘qidim Gerodot, tarixni ko‘p bor,
Forobiy, Danteni takror va takror.
Barini o‘qidim, lol qoldi aqlim,
Bariga ustozsan o‘zing, muallim.
Alisher qalbiga solgan sehr-fayz
Sensan,ey muallim, ustoz Abul-Lays.
Qutlug‘ xonadonda qutlug‘ kalom bu,
Hamid Olimjon bu, G‘afur G‘ulom bu.
Buyuk Temur sendan topgandir ta’lim,
Sen shundoq, aziz zot, aziz muallim.
Rost aytsam, o‘zingsan eng avval daho,
Sen hayot ganjida durri bebaho.
Ulug‘ ayyomingda she’riy kalom bu,
Shogirdlar nomidan qutlug‘ salom bu.

Zamira opaning shaxsiy fazilatlari uni nafaqat malakali mutaxassis, balki yuksak ma’naviyatli inson sifatida ham namoyon etadi. U kishining doimo ijobiy kayfiyatda bo‘lishi, atrofdagilar bilan samimiy munosabat o‘rnata olishi jamoada sog‘lom ma’naviy muhit shakllanishiga xizmat qiladi. Shuningdek, ularga xos kamtarlik va pokdillik fazilatlari ham hamkasblari va shogirdlari orasida alohida hurmat qozonishiga sabab bo‘lib kelmoqda. Psixologik nuqtai nazardan, inson bilan ilk muloqot jarayonida tashqi qiyofa va yuzdagi ifoda muhim ahamiyat kasb etadi. Zamira opaga xos bo‘lgan tabassum va ochiq chehra ularning muloqotga ochiqligi, insonparvarlik tamoyillariga sodiqligini ifodalaydi. Bu kabi fazilatlar har bir

shaxsda uchravermaydigan, ammo ta’lim sohasida faoliyat yurituvchi ustoz uchun ayniqsa muhim hisoblanadi.

Ta’kidlash joizki, Zamira Rayimovna kabi fidoyi, kasbiga sadoqatli va ma’naviy yetuk ustozlar faoliyatini o‘rganish hamda ommalashtirish ta’lim tizimini takomillashtirish, tarixiy xotirani asrash va jamiyat ma’naviy barqarorligini ta’minlashda muhim ahamiyat kasb etadi. Bunday ustozlar faoliyati kelgusi ilmiy tadqiqotlar uchun ham nazariy va amaliy jihatdan qimmatli manba bo‘lib xizmat qiladi.

ТАРИХ УММОНИНИНГ ТОЛМАС САЙЁҲИ – ЗАМИРА ИШАНХОДЖАЕВА

Б. Ҳасанов,
ЎзР ВМ ҳузуридаги Қатағон қурбонлари хотираси давлат музейи директори,
“Шаҳидлар хотираси” жамоат фонди раиси,
“Ўзбекистон тарихчилар жамияти” раиси,
“Турон” фанлар академиясининг академиги,
тарих фанлари доктори, профессор

Илм ва маърифат йўли – сабр, фидойилик ва юксак масъулиятни талаб этадиган муборак йўлдир. Бу йўлни бутун умри давомида виждонан, матонат ва садоқат билан босиб ўтган зотлар эса камдан кам бўлади. Ана шундай улуғ сиймолар сафида муҳтарам Замира Райимовна Ишанходжаеванинг номи юртимиз олимларининг ичида бугун ярқираб нур сочиб турибди.

Замира Райимовна – нафақат юксак малакали олим ва тажрибали педагог, балки юртимиз тарих фанининг ривожига салмоқли ҳисса қўшган, бир неча авлод тарихчиларини камолга етказган, ташаббускор ва фидойи жамоат арбобидир. Унинг ҳаёт йўли – илмга садоқат, касбга муҳаббат ва ватанпарварликнинг ёрқин намунасидир.

Замира Райимовнанинг илмий фаолияти алоҳида эътиборга лойиқ. 1997 йилда Ўзбекистон Фанлар академияси Тарих институти ҳузурида номзодлик, 2012 йилда эса совет давридаги қатағон сиёсати ва унинг Ўзбекистон маданий ҳаётига таъсири мавзусида докторлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилиши миллий тарих фанини ноёб архив манбалари билан бойитди. Айниқса, қатағон қурбонлари тақдири, маданий-маънавий ҳаётнинг деформацияси масалалари бўйича олиб борган тадқиқотлари жамият хотираси ва тарихий адолатни тиклашда катта аҳамият касб этди.

Профессор Замира Ишанходжаева 300 га яқин илмий, ўқув ва ўқув-услубий ишлар муаллифи сифатида ҳам кенг танилган. Унинг монографиялари, дарслик ва қўлланмалари, халқаро ва маҳаллий нуфузли журналларда эълон қилинган мақолалари нафақат Ўзбекистонда, балки хорижий илмий доираларда ҳам юксак баҳоланмоқда. Айниқса, Иккинчи жаҳон урушида Ўзбекистоннинг улкан ғалабага қўшган ҳиссаси, рақамли тарих ва тарихий информатика соҳасидаги ишлари замонавий тарихшунослигининг муҳим йўналишларини қамраб олади.

Замира Райимовнанинг педагогик хизматлари ҳам беқиёс. У “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” доирасида бакалавриат ва магистратуранинг давлат таълим стандартлари, ўқув режалари ва дастурларини ишлаб чиқишда фаол қатнашди. Унинг раҳбарлигида тарих факультети янги мазмун ва янги сифат босқичига кўтарилди, архившунослик, археология, этнология каби йўналишлар қайта тикланди ва ривожлантирилди.

Устознинг илмий раҳбарлиги остида тарих факультети ҳақиқий илмий-таълим марказига айланди, илмий салоҳият ошди, халқаро ҳамкорликлар йўлга қўйилди. Москва давлат университети, Германия ва Дания олий таълим муассасалари билан ўрнатилган алоқалар бунинг ёрқин далилидир.

Замира Райимовна – инсонпарвар, меҳрибон, шогирдпарвар устоз. Унинг қўлида таълим олган кўплаб ёшлар бугун фан доктори, PhD даражасига эга етук мутахассислар сифатида мамлакатимиз тараққиётига хизмат қилмоқда. Дарҳақиқат, устознинг энг катта ютуғи бу унинг шогирдларидир.

Айниқса, Замира Райимовнанинг тиришқоқлиги, талабчанлиги ва ўз касбининг ҳақиқий мутахассиси бўлиб ша-

клланганлиги 2008 йилда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қатағон қурбонлари хотираси” музейининг фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисидаги қарорини рўёбга чиқариш борасида олиб борган фаолиятида яққол кўринди. Ишчи гуруҳи таркибида унинг бевосида раҳбарлигида музейнинг саккизинчи бўлими “1940-1950 йиллардаги қатағон сиёсати” экспозицияси профессионал жиҳатдан кўрсатиб берилди ва ҳозирги кунда музейимизга ташриф буюрган зиёратчилар томонидан тахсинга сазовор бўлиб келмоқда.

Унинг жамоат ишларидаги фаоллиги, музейлар илмий кенгашларидаги иштироки, аёл-олимларни қўллаб-қувватлашдаги хизматлари ҳам юксак эътирофга сазовор. Давлат ва жамоат ташкилотлари томонидан берилган фахрий унвон ва мукофотлар бу машаққатди ва айни дамда шарафли меҳнатнинг муносиб баҳосидир.

Сизнинг исмингиз – “Замира” – соф руҳ, пок қалб ва чуқур тафаккур соҳибаси деган маънони англатади. Бир сўз билан айтганда, ана шу мазмун сизнинг ҳаётингизда, илмий ва педагогик фаолиятингизда ёрқин намоён бўлган.

Муҳтарам Замира Райимовна! Сизни муборак 70 йиллик юбилейингиз билан самимий табриклар эканман, Сизга мустаҳкам соғлик, узоқ умр, илмий ижодда янги зафарлар, шогирдлар бахти ва оилавий хотиржамлик тилайман. Сизнинг бой илмий меросингиз, ибратли ҳаёт йўлингиз яна кўп йиллар давомида ёш авлод учун илмий ва маънавий мактаб бўлиб хизмат қилишига ишонаман.

ФАН ВА ТАЪЛИМ ИНТЕГРАЦИЯСИ РИВОЖИ ЙЎЛИДА

О. Бўриев,
т.ф.д., профессор
ЎзР ФА Шарқшунослик институти бўлим мудири

Мақолада фан ва таълим интеграцияси билан боғлиқ долзарб мавзу Ўзбекистон Миллий университети Тарих факультети Манбашунослик кафедраси билан ЎзР Фанлар академияси Шарқшунослик институти Манбашунослик бўлими ўртасидаги илмий фаолият мисолида таҳлил қилинган. Мазкур интеграция жараёнларида т.ф.д., профессор олима Ишонхўжаева Замира Райимовнанинг улкан хизматлари эътироф этилган.

Калит сўзлар: манбашунослик, кафедра, интеграция, фан, таълим, олима, хизматлари.

Бундан бир неча йил олдин, аниқроғи 2001 йилда, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети Тарих факультети декани Замира Эшонходжаева менга мурожаат қилиб, ўриндошлик асосида факультет таркибидаги **Манбашунослик ва махсус тарих фанлари кафедрасини** (2011 йилдан: Манбашунослик ва архившунослик, 2024 йилдан эса: Архившунослик ва манбашунослик кафедраси) бошқаришни таклиф қилдилар.

У пайтда факультет Хадра майдонида ҳозирги Миллий театр биноси ёнида бўлиб, илгари у ерда Университетнинг Шарқ тиллари факультети жойлашган ва мен 1969-1970 йилларда ўша ерда Университет қошида араб тилини ўрганиш бўйича ташкил этилган кечки пулли курсда таҳсил олганман. Ўн беш кишидан иборат бизнинг гуруҳга домла Эминжон Талабов, Аллоҳ раҳмат қилсин, араб тилидан дарс ўтганлар. Илмда ўта талабчан, жонкуяр инсон эдилар. Бир

йилдан кейин домла Мисрга ижодий сафарга кетиб қолдилар, лекин шу қисқа муддатда ҳам биз араб тили бўйича анчагина фойдали сабоқ олдик ва у иккинчи йил босқичи учун мустаҳкам пойдевор бўлди.

Замирахон кафедрани бошқаришни таклиф қилганларида, мен Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида Манбашунослик бўлими мудири вазифасида ишлардим ва тарихий география йўналишида илмий тадқиқот ҳам олиб борардим. У киши менга вазифани тушунтирдилар, асосий мақсад, Университет талабаларига ЎзР Фанлар академиясидаги илмий салоҳиятни сингдириш, айниқса магистрларда илмий тадқиқот услубини кучайтириш зарурлигини айтдилар. Иш жараёнида биз катта масъулиятни зиммамизга олганимиз маълум бўлди ва бунда факультет декани Замирахоннинг мунтазам эътибори билан бир қаторда, кафедра жамоасининг ушбу хайрли интилиш атрофида астойдил жипслашиб ишлаганини алоҳида таъкидлаб ўтишим керак. Қолаверса, факультетдагилар ҳам бизга нисбатан хайрихоҳ эдилар, қадрдон бўлиб қолгандик.


Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 22.08.2003 йилдаги 364-сон қарори асосида Тошкент Ислом институти талабалари ўқув режалари қабул қилинган давлат меъёрларига мувофиқ диний ва дунёвий билимлар олаётганини инобатга олиб, мазкур ўқув юртларининг битирувчиларига бериладиган дипломлар давлат таълим ҳужжати сифатида эътироф этилди ҳамда ана шу ҳужжат (диплом)ларга эга бўлган шахсларга давлат олий таълим тизимида ўқишни давом эттириш ҳуқуқи берилди. Шу асосда мазкур ўқув даргоҳларини битирганлардан бир қисми Ўзбекистон Миллий университети тарих факультети Манбашунослик кафедрасига белгиланган имтиҳонлар асосида магистратурага қабул қилиндилар. Бу борада академик Абдулаҳад Муҳаммаджонов, Аллоҳ раҳмат қилсин, анча фаоллик кўрсатдилар.


Айни пайтда кафедрани илмий жиҳатдан кучайтириш масаласи кўтарилди. Ҳурматли деканимиз Замирахон ЎзР ФА Шарқшунослик институти қошида ЎзМУ Манбашунослик кафедрасининг филиалини очиш зарурлигини айтдилар ва мен бу ҳақда маслаҳат учун Институт раҳбарияти қабулига кирдим. ЎзР ФА Шарқшунослик институтининг ўша вақтдаги директори академик Хайруллаев Музаффар Муҳитдинович, Аллоҳ раҳмат қилсин, мазкур таклифга хайрихоҳлик билдирдилар. Бу муҳим ишга Институт Манбашунослик бўлимидан Шарқ ёзма мероси йирик билимдони ҳурматли устозим Асомиддин Ўринбоев, Аллоҳ раҳмат қилсин ва архив ҳужжатлари мутахассиси Гулсара Остонова, Аллоҳ раҳмат қилсин, магистрлар тайёрлашда ўз билимлари билан ёрдам бердилар. Кафедрада магистратурани битирганлардан бир қисми шарқшунослик соҳасида ЎзР ФА Шарқшунослик институтида диссертациялар ёқлаб илмий даражалар олишди (Ў.Султонов, ҳозир фан доктори, профессор, бўлим бошлиғи; Ҳ.Лутфуллаев, ҳозир фан номзоди, бўлим бошлиғи; М.Исмоилов, ҳозир фан номзоди, доцент). Кафедрада магистратурани битириб, илмий даражаларга эга бўлганлардан яна бир қисми бошқа илмий даргоҳларда ҳам фаолият олиб боришяпти.


Замирахоннинг ҳаракатлари орқали Кафедра 2003 йили Ўзбекистон Миллий университетининг 85 йиллик юбилейи муносабати билан тарихий манбашунслик йўналишида Республика миқёсида биринчи марта “Тарихий манбашунослик ва Шарқ ёзма мероси (Ўзбекистон тарихи мисолида)” мавзусида илмий анжуман ўтказишга муваффақ бўлди. Ушбу анжуман Республика Университетнинг бош биносида учта шўъбада ташкил этилди ва оммавий ахборот воситаларида кенг тарғиб қилинди. Анжуман материаллари Университет раҳбариятининг (ректор академик Долимов Тўрабек Нуъмонович, Аллоҳ раҳмат қилсин) бевосита хайрихоҳлиги асосида илмий тўплам шаклида чоп этилди [1].


Мен жами тўрт йил (2001-2004) кафедрани бошқардим. Сўнгра докторлик ишимни якунлаш зарурлигидан келиб чиқиб, кафедра мудирлиги вазифасидан бўшаб, ўриндошлик асосида дарс беришга ўтдим ва 2001 йил ташкил топган ҳамкорлик ҳозиргача давом этиб келмоқда. Мен иккита ўқув қўлланма ҳам чоп қилдим [2; 3].

Ўзбекистон Миллий университети билан ЎзР Фанлар Академияси Шарқшунослик институти илмий ҳамкорлиги доирасидаги юқорида келтирилганлар Республикада фан ва таълим интеграциясининг ёрқин мисолидир. Бундай савоб ишларнинг амалга ошиши инсонлардан илм-фан ривожи йўлида фидойилик талаб қилади.









Адабиётлар:

1. Тарихий манбашунослик муаммолари. Республика илмий-амалий анжумани материаллари (2003 йил 25 апрель). Т.: «Университет», 2003.- 224 б. Масъул муҳаррир: З.Ишонхўжаева.

2.Омонулло Бўриев. Марказий Осиё тарихий географиясидан лавҳалар (ёзма манбалар тадқиқи ва таржималар). Ўқув қўлланма.- Тошкент: "TAFAKKUR" нашриёти, 2015. – Б.198.

3. Buriyev Omonullo. Paleografiya va matnshunoslik nazariyasi [Matn]: o'quv qo'llanma / O. Buriyev.-Toshkent: Bookmani print,2025.-162 b.

ИЛМ-ФАН ВА ТАЪЛИМ ТИЗИМИ РИВОЖИГА УЛКАН ҲИССА ҚЎШАЁТГАН ТАРИХЧИ ОЛИМА

Д. Бабажанова,
тарих фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети

Бағрикенг ўзбек миллатининг ўзига хос жиҳатларини, хусусан, маънавиятини шакллантиришда энг аввало, беқиёс таъсир кучига эга бўлган интеллектуал салоҳиятининг ўрни каттадир. Ўзбекистон бой қазилма ва табиий ресурсларга, қудратли иқтисодий ва инсоний салоҳиятга эга бўлган мамлакатдир. Бу ҳақиқатни чуқур англаган Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев: ”Бу салоҳиятни яратиш ва янада кўпайтиришда ҳурматли зиёлиларимиз – илм-фан ва техника намояндалари, биринчи навбатда қадрли ва ҳурматли академикларимиз, маданият, адабиёт ва санъат, спорт соҳаларининг вакиллари бутун вужудини бериб, фидокорона меҳнат қилаётганликларини биз яхши биламиз ва юксак қадрлаймиз”[1.144], деб таъкидлади.

Маънавий қадриятларнинг илм-фан ва тараққиёт ютуқлари билан бойитилиб борилишини таъминлаш борасида олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар мамлакатнинг жаҳон талабларига мос равишда ривожланишига кенг йўл очмоқда. Бугунги кунда ана шу вазифалар, келажак режалари ҳақида фикр юритилар экан, фан ва унинг тараққиёти, демократик ислоҳотлар муваффақияти, асосан, унда олимларимиз қанчалик даражада иштирок этишига боғлиқ. Айниқса, Президент Шавкат Мирзиёев таъбири билан айтганда,“аёлларнинг давлат бошқаруви ва парламент фаолиятидаги иштироки кучайгани жамиятимиз ривожига ҳам

ижобий таъсир этаётганини ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда. Энг муҳими, ақл-заковатли, билимли ва истеъдодли хотин-қизларимиз давлат ва жамиятнинг барча соҳаларида намуна бўлишмоқда”. Бу жараёнда хотин-қизларнинг илмий ва маънавий салоҳияти янада муҳим аҳамият касб этаётгани, аёллар турли соҳа ва тармоқларда тараққиёт учун муносиб ҳисса қўшаётгани алоҳида таъкидланди. Хусусан, 2017 йилда бошқарув соҳасида хотин-қизлар ўртача 20 фоизни ташкил этган бўлса, бу рақам 2025 йилга келиб, 35 фоизга етди. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларининг 38 фоизини, Сенат аъзоларининг 27 фоизини аёллар ташкил этмоқда[2].

Бугунги кунда хотин-қизларнинг илм-фан ва таълим тизимида ҳам тўлақонли иштирок этиши, мамлакатнинг иқтисодий тараққиёти, давлат хавфсизлиги, ички ва ташқи сиёсат масалаларида фаол иштирок этиши оддий бир ҳолга айланиб бормоқда. Хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий жараёнлардаги иштироки, жамият томонидан уларнинг қўллаб-қувватланишига қараб мазкур давлатнинг илғорлиги, тараққий этганлиги даражаси ва тутган мавқеини аниқлаш мумкин. Фанни ривожлантирувчи интеллектуал салоҳият эгалари – олимларнинг, жумладан, олималарнинг ижтимоий фаоллигини янада орттириш борасида ҳукумат томонидан улкан ишлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон хотин-қизларининг жамият ҳаётида тўлақонли иштирок этиши, мамлакатнинг иқтисодий тараққиёти масалаларида, шунингдек, илм-фан ва таълим тизимида ҳам фаол иштирок этиши оддий бир ҳолга айланиб бормоқда. Уларнинг янгича дунёқарашини шакллантириш, миллий-маънавиятимизга хос бўлган қадриятлар ва инсоний фазилатларни камол топтиришга катта эътибор қаратилмоқда. Аёлларнинг жамият тараққиётидаги фаоллигини ошириш, гендер тенгликни таъминлаш ва амалга оширилаётган туб ислоҳотлардаги иштироки

масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев: “аёлларнинг ўрни ва мавқеини янада мустаҳкамлаш–ислоҳотларимизнинг муҳим йўналишларидан бири бўлиб қолаверади”[3.249], деб таъкидлагани айни ҳақиқат. Президент шунингдек, “Битта қизни ўқитсак, бутун оилага таълим берган бўламиз. Агар оила билимли, маърифатли бўлса, жамиятнинг онги, маданий даражаси ҳам юксалади. Аёлларни ўқимишли ва касб-ҳунарли бўлган юртда тинчлик ва тараққиёт бўлади. Аёллари маърифатли бўлган халқ албатта бахтли бўлади”[4].

Бу ўринда мамлакатимиз илм-фан, маърифат ва маънавияти ривожига улкан ҳисса қўшган олималарнинг ўрни ҳам беқиёс эканлигини таъкидлаш жоиз. Ана шу жиҳатдан олганда, мамлакатимиз тарихида ўзининг ноёб иқтидори, билими, савияси ва зукколиги билан ном қолдирган ҳамда мустақил дунёқарашга, фалсафий мушоҳадага эга юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялашда алоҳида ўрнига эга ўнлаб аёллар номини келтириш мумкин. Шулар орасидан тарих фани билимдони, фидойи ва заҳматкаш инсонлардан бири – Ишанходжаева Замира Райимовна олиб бораётган илмий тадқиқот ишларининг ғоятда муҳим ва илмий-амалий аҳамиятга эга эканлигини мисол қилиб келтириш мумкин.

Замира Райимовнанинг ҳаёт йўлларига назар ташласак гўзал ва бетакрор педагогик маҳорати, устозлик меҳр-муҳаббати билан илмий жамоатчилик қалбидан чуқур жой олган, қадимий ва замонавий маданиятга эга Сирдарёдай гўзал маскан ҳисобланмиш гўшанинг фарзанди эканлигининг гувоҳи бўламиз. Шундай масканнинг зиёлилари оиласида таваллуд топган Замира Райимовна азим Тошкентга илм излаб келиб, малакали устозлар кўмаги билан илм-фан чўққисини эгаллашга муваффақ бўлган. Замира Райимовнанинг тинмасдан олиб борган илмий изланишлари вақт

ўтиб, ўз натижасини берди. Олима 1997 йил 4 декабрда Ўзбекистон Фанлар академияси Тарих институти ҳузуридаги ихтисослашган кенгашда 07.00.02 – “Ватан тарихи” ихтисослиги бўйича ”Ўзбекистон Республикасининг Россия Федерацияси Ноқоратупроқ ҳудуди ерларини ўзлаштиришдаги иштироки (1975-1985)” мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди. Унда у илк бор ноёб архив ҳужжатларини илмий муомалага киритиб, Ўзбекистоннинг Россияга кўрсатган иқтисодий ёрдамини ва СССР озиқ-овқат дастурининг муҳим масалаларини очиб берди.

2012 йилда “Совет ҳокимиятининг катағонлик сиёсати ва унинг Ўзбекистоннинг маданий ҳаётига таъсири (1925–1955 йй.)” мавзусида 07.00.01 – “Ўзбекистон тарихи” ихтисослиги бўйича докторлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди. Диссертацияда у ноқонуний қатағон қилинган ўзбекистонликлар номларини аниқлаш, ноёб архив ҳужжатларини топиш ва илмий муомалага киритиш бўйича муҳим ишлар амалга оширди.

Тез фурсатларда профессорлик илмий унвонига ҳам сазовор бўлди. Ёш олима нафақат илм дурларини излади, балки ташкилотчилик, ташаббускор раҳбарлик қобилиятларига ҳам эга эканлигини намоён қила бошлади. Замира Райимовна ўзининг катта илмий фаолиятини ташкилотчилик билан қўшиб олиб бора бошлади. Узоқ йиллар давомида проф. Замира Райимовнанинг ташаббускор, изланувчан, юқори салоҳиятли ва зеҳнли олималардан бири сифатидаги фазилатлари ТошДУ (ЎзМУ) тарих факультети факультетлараро Ўзбекистон тарихи кафедрасида ўқитувчи, катта ўқитувчи, доцент 2000 йилдан бошлаб то 2010 йилгача Ўзбекистон Миллий университети тарих факультети декани, 2003 йилдан то 2012 йигача Ўзбекистон тарихи кафедраси мудири лавозимларида фаолият кўрсатган вақтида яққол намоён бўлган.

Проф. Замира Райимовна ўтган йиллар мобайнида республика илмий жамоатчилиги орасида “Ўзбекистонни XX

асрдаги катагонлик сиёсати” илмий йўналишга асос солган етук олима сифатида тан олинган. 2012 йилдан то ҳозирги кунгача университетнинг “Ўзбекистон тарихи” кафедраси профессори лавозимида кўплаб тадқиқотчиларга илмий раҳбар ва маслаҳатчи сифатида устозлик қилиб, ҳормай-толмай ишлаб келмоқда.

З.Р. Ишанходжаева ёшларни Ватанга садоқат руҳида тарбиялашга, уларнинг илм-фан чўққиларини эгаллашига, республикамиз илмий салоҳиятини янада юксакларга олиб чиқишга, иқтисодий тараққиётини янада кўтаришга астойдил ҳаракат қилишга интилмоқда ва бунинг учун бор куч ва ғайратини аямасдан, таълим-тарбия ишини ҳам илмий-тадқиқот ишлари билан узвий ҳолда олиб бормоқда. Шу вақтга қадар чоп этилган илмий ишлар сони 300 тага яқин. Улар орасида якка муаллифликда ва хаммуаллифликда 10 та дарслик, 9 та ўқув қўлланма, 6 та монография, республика ОАК журналларида, хорижий ОАК журналларида кўплаб мақолалари нашр қилинган. У қатор ўқув курсларини ишлаб чиққан: “Ўзбекистон тарихи” (ижодий ОТМлар учун), “Ўзбекистон тарихи (совет даври)”, “Ўзбекистон маданияти ва санъати тарихи”, “Шарқ алломаларининг илмий мероси”, “Рақамли тарих”, “Тарбия” ва бошқалар.

2000–2010 йилларда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети Тарих факультети декани сифатида янги бакалавриат таълим йўналишлари – “Архившунослик”, “Археология” (қайта тикланган), магистратура мутахассисликлари – “Халқаро муносабатлар тарихи ва назарияси”, “Этнология”, “Архившунослик” кабилар очилган. Факультетда ўқув-методик ва тарбиявий ишлар юқори даражага кўтарилган.

Проф. Замира Райимовна жамоат ишларида ҳам фаол. Илмий жамоатчилик томонидан юқори билим савияси, ташкилотчилик қобилияти инобатга олинган ҳолда катта ишонч билдирилиб, Ўзбекистон Хотин-қизлар “Олима” уюшмаси раиси ўринбосари вазифасига тавсия этилди. У уюшма раисининг ўринбосари сифатида аёл-олимларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ютуқларини тарғиб этиш билан шуғулланиб келмоқда. Узоқ йиллар давомида Ўзбекистон Хотин-қизлар “Олима” уюшмаси ўзининг таркибида 600 га яқин фан доктори ва 4780 фан номзодларни бирлаштирди. Уюшманинг Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Олий ўқув юртлари, 12 та вилоят, Қорақалпоғистон ва Тошкент шаҳрида бошланғич ташкилот ва филиаллари мавжуд бўлиб, ҳозирги кунда уюшма кенг қамровли ижтимоий ҳаракатга айланди. З.Р. Ишанходжаева бу жараёнда улкан ташкилотчилик қобилиятини намоён этиб келмоқда.

Ёшларни тарбиялаш борасидаги фаол меҳнати учун 2020 йил май ойида Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг “Ёш авлодни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашда фаол иштирок этганлиги учун” кўкрак нишони билан мукофотланган. 2021 йил 20 май куни Тошкент шаҳар ҳокимиятининг “Маърифатли аёл” Фахрий ёрлиғи, 2023 йил июнь ойида “Меҳнат ветерани” кўкрак нишони, 2025 йил сентябрь ойида эса “Миллий университет фидокори” мукофотига сазовор бўлган. Шунингдек, Вазирлик, ректорият ва факультетнинг фахрий ёрлиқлари билан бир неча маротаба мукофотланган.

Табиатан меҳрибон, ижодкор, иродали, ташаббускор ва креатив инсон бўлгани учун у доимо атрофидагиларнинг ҳурмат ва меҳрини қозона олади. У ташкилий қобилиятларга эга бўлиб, ҳамфикрлар гуруҳини тузиши ва уларни мамлакат олий таълим тизими олдида турган вазифаларни ҳал этишга сафарбар қила олади.

Таниқли тарихчи олима Замира Райимовна илмни азиз, фанни муқаддас деб билган, ўз устида қунт билан, тинимсиз изланаётган, тарих фанининг янги саҳифаларини яратаётган олима сифатида интилувчанлик борасида ҳам касбдошлари ва шогирдларига намуна бўлиб келаётган, тарих

фани ривожига улкан ҳисса қўшаётган зукко фидойиларидан биридир.

Замира Райимовнани қутлуғ ёшни қаршилаши билан чин дилдан муборакбод этамиз. У кишига узоқ умр, сиҳат-саломатлик тилаймиз. Юз ёш билан юзлашиб, фарзандлар, набиралар бахти камолини, ютукларини кўриб юрсинлар. Илмий салоҳиятлари янада юқори даражага кўтарилиб, кучли иқтидор ва салоҳият эгаси эканликларини намоён этиб, талабаларга билим беришда, уларни етуклик, комиллик даражасига етказишда билим ва тажрибаларини аямасдан фаолият олиб боришларида янги муваффақиятлар тилаймиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Шавкат Мирзиёев. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – Б.144.

2. Шавкат Мирзиёевнинг 8 март– Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан ўтказилган тантанали маросимда сўзлаган нутқи//Президент: «Аёлларга таҳсинлар айтиб, уларни қўллаб-қувватлашдан ҳеч қачон чарчамаймиз» – Ўзбекистон янгиликлари – Газета.uz// https://www.gazeta.uz/uz/2025/03/07/women/

3. Шавкат Мирзиёев. Янги Ўзбекистон стратегияси.–Тошкент:Ўзбекистон, 2021.–Б. 249.

4. Шавкат Мирзиёевнинг 8 март– Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан ўтказилган тантанали маросимда сўзлаган нутқи//Президент: «Аёлларга таҳсинлар айтиб, уларни қўллаб-қувватлашдан ҳеч қачон чарчамаймиз" – Ўзбекистон янгиликлари – Газета.uz// https://www.gazeta.uz/uz/2025/03/07/ women/

ТАРИХ ИЛМИГА САДОҚАТ ТИМСОЛИ

Н.А. Мустафаева,
тарих фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси
Ижтимоий-гуманитар фанлар бўлими раҳбари

Тарих фанлари доктори, профессор Замира Райимовна Ишанходжаева ҳақида сўз борганда, Ўзбекистон тарихи соҳасида таниқли олима, етук педагог ва олий таълим тизимига бутун умрини бағишлаган фидойи зиёли сиймоси кўз олдимизга келади. У кишининг илмий ва педагогик фаолияти миллий тарихшунослик ривожи, ёш авлод тарбиясига йўналтирилган тинимсиз меҳнат намунасидир.

Замира Райимовна ўзининг илмий изланишлари орқали Ўзбекистон тарихининг долзарб масалаларини тадқиқ этиб, тарихий воқеликка холисона ёндашув, манбалар билан ишлаш маданияти, таҳлил ва умумлаштириш маҳоратини яққол намоён этди. Унинг тадқиқотлари совет даврининг қатағон сиёсати моҳиятини ўрганишда ва бу давр тарихий ҳақиқатларини қайта тиклашда муҳим роль ўйнади. Мазкур изланишларда жамиятнинг руҳий ва ижтимоий ҳолатига таъсир кўрсатган омиллар аниқланди. Бу эса ўз навбатида тарихий билимларни кенгайтиришда устуворлик касб этади ва ўтмишда содир этилган хато ҳамда тушунмовчиликларни бартараф этишга хизмат қилади. Шу ўринда олиманинг "Репрессивная политика советской власти и культура Узбекистана: трагедия выживания (1925-1953 гг.)" китобини алоҳида эътироф этиш зарур. Асарда ягона концептуал тизим доирасида турли характердаги ва турли кўламдаги илгари таъқиқланган материаллар ва манбалар умумлаштирилиб, совет ҳокимияти сиёсатининг асл "қиёфаси" ва «маданий инқилоб» доктринаси ўртаси-

даги боғлиқлик кўрсатиб берилди. Айни дамда олиманинг илмий мактаби бу мавзуни янада кенгроқ тадқиқ этишда аҳамиятга эга бўлмоқда. ,

Профессор Замира Ишанходжаева нафақат таниқли олима, балки керакли мутахассисларни тайёрлашда муҳим роль ўйнаган шахс, минглаб талабаларнинг устози сифатида ҳам катта ҳурматга сазовор. Унинг педагогик фаолиятида таълим ва тарбиянинг уйғунлиги, талабага шахс сифатида ёндашиш, мустақил фикрлашга ўргатиш асосий ўрин тутади. У киши дарс жараёнларида тарихни фақат воқеалар силсиласи сифатида эмас, балки жамият тараққиётини белгилайдиган муҳим омил сифатида тушунтириб беришга алоҳида эътибор қаратган.

Профессор Замира Ишанходжаева педагог сифатида талабаларга билим бериш билан чекланиб қолмасдан, уларни маънавий жиҳатдан етук, жамиятга фойдали шахс этиб тарбиялашга алоҳида эътибор қаратади. Унинг талабалар билан муносабатида онага хос меҳр, самимият ва ғамхўрлик яққол сезилиб туради. Шу боис у кишининг дарслари ёшлар учун нафақат билим манбаи, балки ҳаётий сабоқ мактаби ҳам ҳисобланади.

Шунингдек, Замира Райимовна олий таълим тизимини ривожлантириш, ўқув-услубий базани мустаҳкамлаш, замонавий таълим талабларига жавоб берадиган дарслик ва қўлланмалар яратишда ҳам фаол иштирок этган. Унинг раҳбарлигида кўплаб ёш тадқиқотчилар илмий йўлга кириб, бугунги кунда тарих фанининг турли йўналишларида самарали фаолият олиб бормоқда. 10 йил давомида ЎзМУ тарих факультетининг декани сифатида меҳнат қилган Замира опа ҳар бир талаба ва аспирантларнинг билимларини ошириш, илмий тадқиқотларнинг сифатини яхшилашга эътибор қаратган.

Профессор Замира Ишанходжаева жамият ҳаётида ҳам фаол иштирок этиб, “Олима” уюшмасининг фаол бошқарув

аъзоси сифатида илм-фандаги хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, иқтидорли ёш тадқиқотчиларни рағбатлантириш, илмий муҳитда аёлларнинг ўрни ва нуфузини оширишга қаратилган муҳим ташаббусларни амалга оширишда муносиб ҳисса қўшиб келмоқдалар.

Замира Ишанходжаеванинг ҳаёт йўлига назар солар экансиз, аёл киши ва меҳрибон онага хос нозиклик, сабр-тоқат ва масъулият билан олиб бораётган юксак маънавиятли инсон сиймоси гавдаланади. Замира Райимовна оилавий ҳаётда ҳам ибратли она сифатида ўз фарзандларини илмли, одоб-ахлоқли ва Ватанга садоқатли қилиб тарбиялашга катта эътибор қаратганлар. Бу фаолиятда ҳам у кишининг аёлга хос меҳр-оқибат, заковат ва жавобгарлик туйғулари мужассам.

Профессор Замира Ишанходжаева учун илм-фан, таълим-тарбия ва оила муқаддас қадриятлар сифатида уйғунлашган. Бу фазилатлар эса нафақат олим, балки аёл сифатидаги зукколик ва масъулиятнинг ҳам ёрқин ифодасидир. Замира Райимовна, шу фурсатдан фойдаланиб Сизга узоқ умр, мустаҳкам соғлиқ, ҳар бир жабҳадаги фаолиятингизда куч-ғайрат, шижоат ва жасорат тилайман.

ТАРИХ ИЛМИ ФИДОЙИСИ, ЖОНКУЯР УСТОЗ

Р.Э. Холиқова,
ТошДТУ “Ўзбекистон тарихи” кафедраси мудири,
тарих фанлари доктори, профессор

Азиз устоз, етук олима Замира Ишанходжаева кўп йиллик самарали илмий-педагогик фаолияти орқали миллий тарихимизнинг ривожига салмоқли ҳисса қўшиб келаётган атоқли олимадир. Уларнинг ҳаёт йўлларига назар ташлайдиган бўлсак Замира Ишанходжаева зиёли оилада дунёга келган. Ота оналари ўз даврининг фидойи инсонлари эл ардоғидаги кишилар бўлган. Шундай оилада ўсган Замира Ишанходжаева ёшлигидан илмга интилиб ўсди.

1972 йилда Сирдарё вилояти Янгиер туманидаги 1-сонли ўрта мактабни аъло баҳолар билан тамомлаб, Тошкент давлат университетининг тарих факультетига ўқишга отланди. Билимга чанқоқ Замира Ишанходжаева Тарих факультетига ўқишга кириб ташкилотчилик қобилиятини намоён қила бошлади. “Ўзбекистон тарихи” номли талабалар тўгарагига раҳбарлик қилди. Ишанходжаева Замира Райимовна 1977 йилда тарих факультетини «Тарихчи. Тарих ва жамиятшунослик ўқитувчиси» ихтисослиги бўйича тамомлаб, меҳнат фаолиятини ўзи таҳсил олган факультетда бошлади. Ҳозирга қадар ўқитувчи, катта ўқитувчи, доцент, тарих факультети декани, кафедра мудири ва профессор сифатида фаолият юритиб келмоқда. Олима самарали иш фаолиятида бир лаҳза ҳам илмий изланишдан тўхтагани йўқ. Устозлик фаолиятини олиб борар экан, шу билан бирга илмий тадқиқот ишларини ҳам давом эттирди. 1997 йил 4 декабрда Замира Ишанходжаева Ўзбекистон Фанлар академияси Тарих институти ҳузуридаги ихтисослашган кенгашда 07.00.02 - “Ватан тарихи” ихтисослиги бўйича “Участие

Узбекистана в освоении Нечерноземной зоны Российской Федерации (1975-1985)” мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди. Унда у илк бор ноёб архив ҳужжатларини илмий муомалага киритиб, Ўзбекистоннинг Россияга кўрсатган иқтисодий ёрдамини ва СССР озиқ-овқат дастурининг муҳим масалаларини очиб берди.

Олима илмий изланишларини давом эттириб, докторлик мавзусини тасдиқлатиб, илмий тадқиқот ишларини давом эттирди. Илмий изланишларининг маҳсули натижаси сифатида 2012 йилда “Совет ҳокимиятининг катағонлик сиёсати ва унинг Ўзбекистоннинг маданий ҳаётига таъсири (1925–1955 йй.)” мавзусида 07.00.01 - “Ўзбекистон тарихи” ихтисослиги бўйича докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. Диссертацияда у ноқонуний қатағон қилинган ўзбекистонликлар номларини аниқлаш, ноёб архив ҳужжатларини топиш ва илмий муомалага киритиш бўйича муҳим ишлар амалга оширди.

Замира Ишанходжаеванинг тарих фанини ўқитиш ва тадқиқ этиш жараёнига жорий этган илмий янгиликлари ва услубий ёндашувлари ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Илмий фаолиятига назар ташласак олима Замира Ишанходжаева томонидан 300 га яқин илмий ва ўқув-услубий ишлар яратидлган. Жумладан, 6 та монография, 10 та дарслик, ўқув ва ўқув-методик қўлланмалар муаллифи ва ҳаммуаллифидир. Олима томонидан тайёрланган илмий мақолалар,ўқув-услубий қўлланмалар ва маърузалар тарих фанини замонавий талаблар асосида ўрганишга хизмат қилиб, ёш тадқиқотчиларда мустақил фикрлаш, манба билан ишлашг ва таҳлил қилиш кўникмаларини шакллантиришга йўналтирилган. Айниқса, миллий тарихни умуминсоний қадриятлар нуқтаи назаридан талқин этиш, Ўзбекистон тарихни ўрганиш масалаларига эътибор қаратилиши олимнинг илмий фаолиятида муҳим ўрин тутган. Замира Райимовна Ишанходжаева “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” ва “Таълим тўғриси-

да»ги қонун доирасида бакалавриат ва магистратуранинг янги таълим стандартлари, ўқув режалари, ўқув дастурларини ишлаб чиқишда муҳим роль ўйнади.

Замира Райимовна Ишанходжаева таълим жараёнининг методик таъминотида фаол иштирок этган. 2000 йилдан бошлаб бакалавриатнинг 5120300 - “Тарих (Жахон мамлакатлари бўйича)” йўналиши ва магистратуранинг 5А120301 - “Ўзбекистон тарихи” мутахассислиги учун Давлат таълим стандартлари ва малакавий талабларни тайёрлашда қатнашган. У томонидан бакалавриат ва магистратура учун 15 га яқин ўқув дастурлари ишлаб чиқилган ва ўқув жараёнига жорий этилган.

Олима самарали меҳнат қилар экан унинг фаолияти раҳбарият назаридан четда қолмади. Замира Райимовна Ишанходжаева тарих факультети тарихида илк аёл декан сифатида ўз фаолиятини 2000 йилдан бошлади. Ўн йил давомида раҳбар аёл Замира Райимовна Ишанходжаева Тарих факультети декани сифатида янги бакалавриат таълим йўналишлари - “Архившунослик”, “Археология” (қайта тикланган), магистратура мутахассисликлари - “Халқаро муносабатлар тарихи ва назарияси”, “Этнология”, “Архившунослик” кабиларни очишга муваффақ бўлди. Факультетда ўқув-методик ва тарбиявий ишлар юқори даражага кўтарилди.

У ўқув жараёнини дарсликлар, методик қўлланмалар ва илмий адабиётлар билан таъминлашга катта ҳисса қўшди. Унинг ташаббуси билан тарих факультети илм ва таълим марказига айланди. Археология йўналиши тикланди, магистратурада “Археология” ва “Этнология” мутахассисликлари очилди. Декан Замира Райимовна Ишанходжаева тинмай изланишда бўлди. Олима, декан архив ҳужжатларининг халқ хотирасидаги ўрнини яққол билгани учун факультетда бакалавриат ва магистратурада “Архившунослик” ва “Ҳужжатшунослик” янги йўналишларини очишга раҳбарлик қилди. У республикамизда шарқ ва ғарб тилларини биладиган, манбалар билан ишлай оладиган рақобатбардош мутахассисларни тайёрлашга улкан ҳисса қўшди. Замира Райимовна Ишанходжаева - декан ташаббуси билан университетлар Тарих факультетлари деканлари кенгаши ташкил этилди. Унда у ҳар ойлик методик семинарлар, таълим сифатини оширишга қаратилган ишлар олиб борилди.

Декан Замира Райимовна Ишанходжаева Тарих факультетида халқаро алоқаларининг ривожига ҳам салмоқли ҳисса қўшди. Унинг ҳаракатлари туфайли М.В. Ломоносов номидаги Москва давлат университетининг Осиё ва Африка институти (Россия Федерацияси), Копенгаген Фредериксберг семинариуми (Дания), Билефельд университети (Германия) ва бошқа марказлар билан ҳамкорлик йўлга қўйилди. Олима Замира Райимовна Ишанходжаева жамоат ишларида ҳам фаолдирлар. Улар “Олима” аёллар уюшмаси раисининг ўринбосари сифатида аёл-олимларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ютуқларини тарғиб этиш билан шуғулланадилар.

Шунингдек, Замира Райимовна Ишанходжаева ёш кадрлар тайёрлаш, иқтидорли талабалар ва тадқиқотчиларни қўллаб қувватлаш борасида ҳам фаол ишлар олиб борганлар. Уларнинг раҳбарлиги ва маслаҳатлари асосида кўплаб илмий ишлар амалга оширилиб, тарих фанининг илмий салоҳияти янада мустаҳкамланди. Замира Райимовна Ишанходжаева томонидан кўплаб шогирдлар - фан докторлари, PhD илмий даражасига эга ёш олимлар, тарих йўналишидаги магистрлар тайёрланган. Ушбу хизматлари туфайли Замира Ишанходжаева нафақат илмий жамоатчилик , балки кенг жамоа орасида ҳурматга сазовор бўлиб, тарих фани тараққиётига ҳисса қўшган фидойи олима сифатида эътироф этилди. Биз буни ёшларни тарбиялаш борасидаги фаол меҳнати учун 2020 йил май ойида Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг «Ёш авлодни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашда фаол иштирок этганлиги учун» кўкрак нишони билан мукофотланганида, 2021 йил

20 май куни Тошкент шаҳар ҳокимиятининг «Маърифатли аёл» Фахрий ёрлиғи, 2023 йил июнь ойида «Меҳнат ветерани» кўкрак нишони, 2025 йил сентябрь ойида эса «Миллий университет фидокори» мукофотига сазовор бўлганида, шунингдек, Вазирлик, ректорат ва факультетнинг фахрий ёрлиқлари билан бир неча маротаба мукофотланганида кўришимиз мумкин.

Олима Замира Райимовна Ишанходжаева нафақат илм ва жамоатчилик ишлари билан шуғулланиб қолмасдан салоҳиятли оиланинг бекаси ҳамдирлар. Уларнинг уч фарзандлари ва саккиз набиралари бор. Фарзандлар олий маълумотли ҳаётда ўз ўринларини топган. Неваралар ҳам бугунги кунда катта бўлишиб бувижонисининг йўлларидан бориб илм билан шуғулланишиб муваффақиятларга эришишмоқда.

Азиз ва мўътабар устоз! Табаррук 70 ёшингиз муборак бўлсин! Сизга узоқ–умр, сиҳат–саломатлик, бундан кейин ҳам илмий-ижодий ишларингизда муваффақиятлар тилаб қоламиз!

КАМТАРИН, ФОЗИЛА ОЛИМА АЁЛ

Х.Э.Юнусова,
Т. ф.д., Мирзо Улугбек номидаги
Ўзбекистон Миллий университети
профессори.

Бугунги кунда мамлакатимиз аёлларини қўллаб-қувватлаш, уларни давлатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишидаги ўрнини оширишнинг аҳамияти муҳим бўлиб бормоқда. Изчил ва инновацион ёндашув аёллар ҳаётига ижобий ўзгариш олиб киряпти. Гендер тенглик масаласини тартибга солувчи кўплаб меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниб, муваффақиятли амалга оширилиши белгиланган мақсад – Янги Ўзбекистонни ривожлантириш жараёнида хотин-қизлар фаоллигини оширишга хизмат қилмоқда.

Маълумки, аёл-жамият кўзгуси, миллат тарбиячиси. Улуғ шоир ва мутафаккир Алишер Навоийнинг “Насойим ул-муҳаббат” тазкирасининг “Эркаклар мартабасига етган ориф аёллар зикри” номли фаслида мозийдан то ўз даврига ча яшаб ўтган ёки ўзига замондош бўлган ислом оламида машҳур 35 нафар шайх, орифа хотин-қизларнинг руҳияти, шариати, тариқати, ижодлари хусусида лавҳалар битилган бўлиб, Навоийнинг “Фарҳод ва Ширин” достонида ҳам 10 нафар олима қиз, жумладан, мантиқ илмида тенгсиз Дилосо, астроном Гуландом, файласуф Суманбўй, ҳикмат фани билимдони Паризод образлари келтирилган ва улар реал ҳаётдан олинганлиги маълумдир. Шундай экан, бугунги кунда замонавий, маърифатпарвар, илм оламида меҳнат қилган ва меҳнат қилаётган, ўз обрўси, хурматига сазовор бўлган бир қатор олималар ана шу аждодлар ворисасидир.

Инсон учун ҳаёт йўли, илмий фаолиятидаги энг яқин

шахс ҳамда маслакдошларидан бири бу устоздир. Шогирднинг илмга кириб келиши, илмий муваффақиятга эришиш ва ўз соҳасининг етук мутахассиси бўлиб етишишида устозни ўрни ва хизмати беқиёсдир. Таълим-тарбия, илм-фан дарғаларидан бири, тарих фанлар доктори, профессор Замира Раимовна ҳам ана шундай ибратли тажриба ҳамда ютуқлари билан танилган устоз - олималардандирлар.

Бугунги кунда Замира опа қиёфасида замонавий маърифатпарвар аёл шаклланди. Замира Райимовна ҳақида сўз кетганда кўз олдимизга миллий анъаналарга содиқ равишда тараққиётга интилаётган, ташаббускор ва ташкилотчи, аёллик мақомини тадқиқотчилик, етакчилик, устозлик фаолияти билан уйғунлаштирган аёл кўз олдимизга келади. Бундай аёллар ўз илми, меҳр-муҳаббати билан келажак эгаларининг равнақи ва осойишталиги, халқ фаровонлиги йўлида садоқат билан хизмат қиладиган, камтар, баркамол инсонларни тарбиялашда ўз ҳиссасини қўшади, деб бемалол айтиш мумкин.

Мы встретились, кажется, во времена Ковида, онлайн-конференции тогда набирали обороты, и я выступала на одной из них в Ташкенте. Потом разрабатывали вместе магистратуру по цифровой истории и научные проекты по цифровой истории и истории Советских репрессий, организовывали круглый стол „Digital Humanities Central Asia“, много раз совместно участвовали в мероприятиях, организованных нашими университетами в Узбекистане и Германии. Так, человек, чьи научные работы я читала, стал для меня учителем не только по части собственно исследовательской кухни, но и по организации проектов и мероприятий – то есть кухне проектной, в нашем случае еще и межкультурной. Которую невозможно постичь по учебникам ни проектного менеджмента, ни межкультурной коммуникации, а можно только в реальности – в срочных звонках посреди ночи, в мельчайших акцентах при совместной правке документов, во всем том, что остается за кадром.

Но все эти годы Замира Райимовна для меня еще и учитель в том, как гармонично сочетать науку, жизнь и чело-

веческие отношения. Она – яркий пример состоявшейся женщины-ученого, лидера в исследованиях и университетском администрировании, но и значимый для меня пример мамы и бабушки (а мне посчастливилось познакомиться с сыном Замиры Райимовны). В мире, где женщине нередко приходится выбирать между карьерой и личным, она показывает, что возможно все – с мудростью, стойкостью и искренней любовью к делу. В сложный период моей жизни она оказывала поддержку – не громкими жестами, а точными, правильными словами, которые помогали собраться и идти дальше.

Замира Райимовна – важный человек в цифровой истории Узбекистана, настоящий пионер направления. Ее работы по количественным методам в исследованиях истории Советских репрессии, созданию цифровых ресурсов, организация конференций по цифровой трансформации науки и образования,– все это заложило фундамент для цифровой гуманитаристики в стране. Узбекистанской науке повезло с таким лидером: она не только внедряет инновации, но и вдохновляет новое поколение на междисциплинарный подход, где история встречается с технологиями. Благодаря ей, Узбекистан все активнее интегрируется в глобальный контекст цифровой истории.

В день юбилея я хочу пожелать Замире Райимовне здоровья, новых проектов и новых учеников, и чтобы ее пример продолжал вдохновлять всех нас – учеников, коллег и друзей.

Спасибо за то, что Вы есть, и за то, что делитесь своей мудростью!

ДУСТЛАР ВА ШОГИРДЛАР
ДРУЗЬЯ И УЧЕНИКИ

ҲАЁТ ЙЎЛИДА НАМУНА УСТОЗ

Т.О.Осербаева,
Ўзбекистон Хотин-қизлар
“Олима” уюшмаси Қорақалпоғистон
бўлими раиси қ.х.ф.н., профессор

Ишанходжаева Замира Райимовна меҳнат фаолиятини тарих факультетида бошлаган. Ҳозирда кафедра мудири ва профессор сифатида фаолият юритиб келмоқда. З.Р. Ишанходжаевани 2012 йилдан Ўзбекистон Республикаси хотин-қизлар “Олима” уюшмаси ўринбосари сифатида яхши биламан. У аёл-олимларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ютуқларини тарғиб этиш билан шуғулланади.

Раҳбар сифатида З.Р. Ишанходжаева иш фаолияти давомида ўзини виждонли, масъулиятли ва талабчан раҳбар сифатида кўрсатди. Унинг педагогик маҳорати, ўз устида ишлаш ва ижодий ёндашуви – унинг асосий фазилатларидан. Шу боис у ҳамкасблар орасида ҳурмат қозонган.

З.Р. Ишанходжаева “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” ва “Таълим тўғрисида»ги қонун доирасида бакалавриат ва магистратуранинг янги таълим стандартлари, ўқув режалари, ўқув дастурларини ишлаб чиқишда муҳим роль ўйнади.

З.Р. Ишанходжаева таълим жараёнининг методик таъминотида фаол иштирок этган. 2000 йилдан бошлаб бакалавриатнинг 5120300 – “Тарих (Жахон мамлакатлари бўйича)” йўналиши ва магистратуранинг 5А120301 – “Ўзбекистон тарихи” мутахассислиги учун Давлат таълим стандарт-

лари ва малакавий талабларни тайёрлашда қатнашган. У томонидан бакалавриат ва магистратура учун 15 га яқин ўқув дастурлари ишлаб чиқилган ва ўқув жараёнига жорий этилган.

У ўқув жараёнини дарсликлар, методик қўлланмалар ва илмий адабиётлар билан таъминлашга катта ҳисса қўшди. Унинг ташаббуси билан тарих факультети илмий ва таълим марказига айланди. Археология йўналиши тикланди, магистратурада "Археология" ва "Этнология" мутахассисликлари очилди.

Халқ хотираси – бу, аввало, архив ҳужжатлари. Шу мақсадда у бакалавриат ва магистратурада "Архившунослик" ва "Ҳужжатшунослик" йўналишларини очишга раҳбарлик қилди. У шарқ ва ғарб тилларини биладиган, манбалар билан ишлай оладиган рақобатбардош мутахассисларни тайёрлашга улкан ҳисса қўшди.

Замонавий таълим технологияларини, ахборот технологияларини ва интерактив усулларни таълимга жорий этди. Музей ва илмий марказларда амалий дарслар ташкил этди. Бунинг оқибатида факультетда илмий салоҳият ошди: 2 академик, 10 профессор – тарих фанлари докторлари ва 30 га яқин фан номзодлари фаолият юритди.

Унинг ташаббуси билан университет тарих факультетлари деканлари кенгаши ташкил этган. Унда у ҳар ойлик методик семинарлар, таълим сифатини оширишга қаратилган ишлар олиб борилган.

З.Р. Ишанходжаева тарих факультетининг халқаро ҳамкорлигини ривожлантирди. М.В. Ломоносов номидаги Москва давлат университетининг Осиё ва Африка институти (Россия Федерацияси), Копенгаген Фредериксберг семинариуми (Дания), Билефельд университети (Германия) ва бошқа марказлар билан ҳамкорлик йўлга қўйилди.

У талабалар билан маънавий-маърифий тадбирлар – учрашувлар, фестиваллар, кўргазмалар, спорт мусобақалари,

кино ва театр саёҳатларини ташкил этди. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва етакчи шифокорлар билан учрашувлар ўтказди. Ушбу йўналишдаги эътиборли фаолиятлардан яна бири – Давлат «Қатағон қурбонлари хотираси» музейи эксперти, "Шон-Шараф" музейи (Ғалаба боғи мажмуаси) Илмий кенгаши аъзоси сифатида амалга оширилаётган ишидир.

З.Р. Ишанходжаева қатор ўқув курсларини ишлаб чиққан: "Ўзбекистон тарихи" (ижодий ОТМлар учун), "Ўзбекистон тарихи (совет даври)", "Ўзбекистон маданияти ва санъати тарихи", "Шарқ алломаларининг илмий мероси", "Рақамли тарих", "Тарбия" ва бошқалар.

З.Р. Ишанходжаева илмий, педагогик ва жамао борасидаги фаол меҳнати учун Давлат мукофотлари билан мукофотланган.

Табиатан меҳрибон, ижодкор, иродали, ташаббускор ва креатив инсон бўлгани учун у доимо атрофидагиларнинг ҳурмат ва меҳрини қозона олади. У ташкилий қобилиятларга эга бўлиб, ҳамфикрлар гуруҳини тузиши ва уларни мамлакат олий таълим тизими олдида турган вазифаларни ҳал этишга сафарбар қила олади.

Ишанходжаева З.Р. «Олима» уюшмаси фаолиятида раҳбар сифатида фаол иштирок этади ва Олималар орасида катта обрў-эътиборга эга.

ЖИЗНЬ, ПОСВЯЩЁННАЯ ИСТОРИЧЕСКОЙ НАУКЕ И СУДЬБАМ ЛЮДЕЙ

Ю.А. Эргашева,
д.и.н.,профессор,
заведующая кафедрой Социально-гуманитарных наук
Каршинского государственного технического университета

Существует мудрая поговорка о том, что жизнь человека ценится не количеством прожитых лет, а определяется её содержанием – качеством совершённых поступков и деяний. Эти слова в полной мере могут быть отнесены к Замире Райимовне Ишанходжаевой, которая празднует юбилейную дату, своеобразное подведение поистине масштабных результатов своего нелегкого, тернистого труда. Юбилей ученого – это не только значимая дата в личной биографии, но и важное событие для всей научно-образовательной общественности. Для меня доктор исторических наук, профессор Замира Райимовна Ишанходжаева – это не просто известный историк и организатор науки, но человек, с именем которого связаны важные профессиональные и глубоко личные страницы моей жизни.

Замира Райимовна – личность уникальная, многогранная, разносторонняя, о чем я убедилась за период моей дружбы с ней. Судьба свела нас в родном для меня Национальном университете Узбекистана имени Мирзо Улугбека в начале 2000 годов, после окончания которого я до сих пор поддерживаю связи с факультетом, участвуя в международных конференциях и являясь членом Совета по защите диссертационных работ. С тех пор поддерживаем очень тесные научные контакты, информируем друг друга о значимых

научных событиях, принимаем участие в конференциях и мероприятиях. Мы на различных мероприятиях живо с ней обсуждаем проблемы, вынесенные на обсуждение, в частности у нас много общего в понимании истории, культуры нашего народа.

Вся трудовая и научная деятельность Замиры Райимовны неразрывно связана с Национальным университетом Узбекистана имени Мирзо Улугбека. Здесь она прошла путь от молодого преподавателя до профессора, заведующего кафедрой и декана исторического факультета, оставив заметный след в его развитии. Период её деканства по праву можно считать этапом обновления и укрепления факультета: были открыты новые образовательные направления, расширены магистерские специальности, возрождены археологические и архивоведческие школы, модернизировано содержание исторического образования.

Именно в годы её руководства историческим факультетом моя старшая дочь поступила на обучение по гранту. Для нашей семьи это стало не только личной радостью, но и убедительным свидетельством той атмосферы академической справедливости, высоких требований и реальных возможностей для талантливой молодежи, которая была создана на факультете в период деканства Замиры Райимовны. Этот факт я всегда воспринимала как показатель подлинного служения делу образования, когда решающим фактором становится знание, труд и способности абитуриента. Замира Райимовна – замечательный, светлый и добрый человек, надежный товарищ, настоящий ученый. Ее отличают глубокий, проницательный ум, широта, доброта, благородство души, желание и умение помочь человеку, поддержать его своим советом, иногда лучезарной, обворожительной улыбкой.

Научные исследования Замиры Райимовны охватывают широкий круг проблем истории Узбекистана XX века, осо-

бое место среди которых занимают вопросы репрессивной политики советской власти и ее воздействия на культурную жизнь общества. Ее докторская диссертация, защищенная в 2012 году, стала значимым вкладом в развитие отечественной историографии, отличаясь глубиной анализа, привлечением обширного источникового материала и научной смелостью в постановке сложных и ранее недостаточно изученных проблем. Для меня особой честью и профессиональной ответственностью было выступить официальным оппонентом при защите её докторской диссертации. Этот опыт позволил мне в полной мере оценить масштаб проведенного ею исследования, высокий уровень научной аргументации и зрелость авторской позиции. Защита прошла на высоком академическом уровне и стала ярким свидетельством сформировавшегося научного авторитета Замиры Райимовны.

Как педагог она воспитала целую плеяду специалистов – историков, архивистов, исследователей, преподавателей, которые сегодня успешно работают в вузах, научных учреждениях и культурных организациях страны. Для своих учеников она всегда оставалась требовательным, но справедливым наставником, умеющим сочетать строгость научной школы с искренней поддержкой и человеческим участием.

Особого уважения заслуживает и её вклад в развитие современных направлений исторической науки – цифровой истории, музейного дела, сохранения памяти жертв репрессий. Реализованные под её руководством научные проекты, электронные платформы и мультимедийные комплексы не только расширили исследовательские возможности, но и приблизили историческое знание к широкой аудитории.

Наряду с научно-педагогической деятельностью Замира Райимовна активно участвует в общественной жизни, поддерживает женщин-учёных, способствует продвижению научных достижений узбекской историографии на между-

народном уровне, вносит весомый вклад в формирование культурной и исторической политики.

В день юбилея хочется выразить Замире Райимовне глубокую признательность за многолетнее служение науке и образованию, за честность и принципиальность ученого, за внимание к судьбам людей и за ту нравственную планку, которую она неизменно задает своим трудом и жизненной позицией.

Дорогая Замира Райимовна! Примите самые искренние поздравления с юбилеем и пожелания неутомимой энергии и большого человеческого счастья! Пусть впереди будут новые научные свершения, крепкое здоровье, вдохновение и благодарные ученики!

ТАЛАБЧАН ВА МЕҲРИБОН УСТОЗ

С. Қудратов,
т.ф.н. Гулистон Давлат Университети доценти

Сирдарёда Раимберди Жумаевлар оиласини кўпчилик танийди, ҳурмат қилади ва ҳавас қилишади. Сулола асосчиси Раимберди акани вилоятда **Генерал** деб аташарди. Бунинг биринчи сабаби, у киши вилоятда ташкил этилган мева-сабзавот ва виночилик саноати бирлашмасининг биринчи бош директори (русча айтганда генеральний директор) бўлганликларидан бўлса, иккинчи сабаби, у киши тадбирларда, кўксилари тўла Иккинчи жаҳон уришида кўрсатган қаҳрамонликлари учун берилган орден ва медаллари билан қатнашар ва ҳаммани чуқур ҳурматига эга бўлардилар.

Раимберди аканинг Сирдарё вилояти тараққиётидаги хизматлари муносиб тақдирланиб, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалиги ходими унвонига сазовор бўлганлар. Замира опани оналари Онахон ая Жумаева Боёвут туманидаги энг бой кутубхонани узоқ йиллар бошқарганлар. Ҳақиқий маънода маърифат тарқатувчи бўлганлар. Онахон ая маърифат ва маънавият соҳасидаги савобли ишлари учун Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими унвонига сазавор бўлганлар. Икки унвон соҳиб ва соҳибалари тарбияларини олган фарзандлари ва невараларини ҳам вилоятимизда яхши билишади ва улар кўпчилик учун ўрнак ҳисобланишади. Шу жумладан, Замира опани ҳам. Назаримда, Замира опадаги қатъият билан олдиларига қўйган мақсад сари ҳар қандай қийинчиликларга қарамай олдинга интилишлари дадалари Раимберди акадан ўтган бўлса, у кишидаги меҳрибонлик, инсонларга доимо эзгулик улашиш одати оналаридан мерос бўлиб ўтган.

Замира опа билан менинг илк танишувим 1998 йили юз берган. Ўша йили ҳозирги Ўзбекистон Миллий университетининг Маданият саройида республикамизнинг барча Ўзбекистон тарихи кафедраси мудирлари йиғилиб, биринчи Президентимизнинг биз тарихчилар олдига қўйган вазифалари: ўзбек халқининг келиб чиқиши ва ўзбек давлатчилиги масаласи муҳокамасига йиғилган эдик. Орадан ўтган сал кам 30 йил давр мабойнида Замира опа билан турли мавзулардаги тадбирларда кўришиб турамиз. Замира опа Гулистон давлат университети тарихчилари билан Тошкент илмий муҳитини айниқса, Ўзбекистон Миллий университети тарих факультетининг ўзаро илмий ҳамкорликларида муҳим ўрин тутадилар десам, муболаға бўлмайди.

Замира опа Гулистон давлат университети тарихчилари чоп этган мақолалар, ўқув қўлланмалари ва дарсликларнинг кўпчилигининг масъул муҳаррири ҳисобланади. Мана шу ерда у кишининг талабчанлик, илмга нисбатан ҳурматлари намоён бўлади. У киши ҳар бир таҳрир қилинаётган ишга жиддий ёндошиб, ишнинг заиф томонларини очиқ-ойдин айтиб, уни бартараф этиш йўллари борасида ўз маслаҳатларини бериб, шу билан ишнинг ҳозирги замон талаблари даражасида бўлишини таъминлайдилар.

Университетимиздаги Қатағонлар қурбони музейини экспонатлар билан бойитишда, музейни малакали мутахассислар билан тўлдиришда у кишининг роли муҳим бўлмоқда. Ҳозирда музей ходимларининг бирининг илмий раҳбари ҳисобланади.

Шунингдек, Университетимизда фаолият юритадиган Олима аёллар клуби фаолиятини жонлантиришда ҳам опанинг хизматлари беқиёс бўлмоқда.

Ўзлари Тошкентда бўлишларига қарамай, Замира опа Тошкентда ёки вилоятларда бўлаётган конференциялар борасида сирдарёлик тарихчилари огоҳлантириб, уларда фаол иштирок этишга даъват қиладилар.

Вақтлари қанчалик тиғиз бўлмасин, Замира опа жуда эътиборлилар. Ҳар бир ёш сирдарёлик тарихчининг ютуғи

билан самимий табриклаб, уларга ўзларининг устозлик фотиҳаларни бериб борадилар.

Имкониятдан фойдаланиб, Замира опа Раимбердиевнага Илмий ишларида улкан омадлар ёр бўлишини, фарзанд ва неваралар бахтларига узоқ йиллар соғ-омон бўлишларини, уларнинг яхши кунларига бош бўлиб, дуогўйлари бўлиб юришларини тилайман.

PROFESSOR ZAMIRA ISHONXODJAYEVA HAQIDA O‘YLARIM

A.A.Adilov,
O‘zMu Tarix fakulteti
O‘zbekistonning eng yangi tarixi kafedrasi
dotsenti, t.f.d.

1994-yili ToshDU tarix fakulteti “O‘zbekiston xalqari tarixi” kafedrasida faoliyat ko‘rsatayotgan to’rt nafar o‘qituvchi – E.M. Jabborova , K.Ismoilov, B.J.Eshov va kamina A.A.Adilovni endigina tashkil etilgan fakultetlararo “O‘zbekiston tarixi” kafedrasiga ishga o‘tkazishdi. Bizning zimmamizga O‘zbekiston tarixining qadimgi va o‘rta asrlari bo‘yicha ma’ruzalar o‘qish vazifasi yuklatilgan edi. Fakultetlararo “O‘zbekiston tarixi” kafedrasi mudiri t.f.d prof R.X.Murtazayeva bo‘lib, ushbu kafedrada ko‘plab nufuzli , prinspial harakterga ega bo‘lgan qator professor-o‘qituvchilar jamoasi yig‘ilgan edi. Kafedra mudirining sa’y-harakatlari bois bu jamaoda iliq ma’naviy muhit shakllanib, kelgan biz yosh o‘qituvchilarni ijobiy tarzda kutib olishdi. Jamoada katta o‘qituvchi Zamira Raimovna Ishanxodjayevaning ham o‘ziga hos o‘rni bolgan. Zamira Rayimovna prinspial, dunyoqarashi keng, mahoratli va zukko pedagog sifatida o‘zbek va rus tillarida ham bemalol dars mashg‘ulotlarini olib borar edi. U auditoriyada talabchan, ham bilimli ham bir vaqning o‘zida adolatli o‘qituvchi sifatida talabalar ichida o‘ziga hos obru - e’tiborga ega bo‘ldi. Buni shaxsan o‘zim parallel dasr olib boragan o‘qituvchi sifatida guvohi bo‘lganman. U paytlarda kafedradagi katta avlod vakillari turli yig‘in, tadbirlarda yuqorida, biz yoshlar esa pastda o‘tirar edik. Yoshlar jamoasining a’zosi bo‘lgan Zamira Raimovna o‘zini doimo kamtar va sipo tutar kattaga hurmat va kichikka izzatda bo‘lgan. Opa Toshkentning qadimiy O‘qchi mahallasida oilasi

bilan istiqomat qilib, taniqli huqushunos Husan aka bilan uch nafar farzandni voyaga yetkazishgan. Ishanxodjayevlar oilasi o‘z farzandlariga yaxshi tarbiya va ta’lim berishgan. Xususan katta qizlari Nodiraxon Yaponiyada tehsil olgan. 1997 yili Z.R.Ishonxodjayeva muaffaqiyatli ravishda nomzodlik dissertatsiyasini himoya qildi. Hayot ekan, afsuski, Husan aka 50 yoshdan o‘tib to‘satdan vafot etdi. O‘sha yili (2002) opaning dadalari urush qatnashchisi, Mirzacho‘lda taniqli xo‘jalik arbobi bo‘lgan Raimberdi aka ham vafot etdilar. Z.R.Ishanxodjayeva 2000-yildan boshlab tarix fakulteti dekani lavozimida faoliyat ko‘rsatgan. Opaning zimmasiga ham rahbarlik, ham uch bolani voyaga yetkazish mas’ulyati yuklangan edi. Z.R.Ishanxodjayeva turmush va hayot tashvishlarini mardonavor ravishda yengdi. O‘zining ilmiy tadqiqot ishini ham davom ettirdi, 2010-yilga qadar tarix fakultetini boshqarib keldi. 2012-yili Fanlar Akademiyasi Tarix institutida doktorlik dissertatsiyasini muaffaquyatli himoya qildi.

Prof. Z.R.Ishanxodjayeva tarix fakulteti dekani lavozimida bo‘lgan vaqtda fakultetda ko‘lab ijobiy ishlarni amalga oshirdi. Hozirda prof. Z.R.Ishanxodjayeva tarixchi olimlar orasida zukko va salohiyatli olima, olijanob sifatlariga ega bo‘lgan inson sifatida katta hurmat qozongan.U adolatparvar va ilmdagi xolislikni qadrlovchi olimlardan biridir. Bir vaqtning o‘zida u ilmiy kengash a’zosi, O‘zbekiston “Olima” xotin-qizlar uyushmasi raisi o‘rinbosari sifatida jamoat ishlarida faol ishtirok etib keladi. O‘z ilmiy ma’ruzalari bilan qator chet ellardagi anjumanlarda faol ishtirok etib kelmoqda.

Professor Z.R.Ishanxodjayeva hozirda ko‘plab e’tiborga molik ilmiy tadqiqot ishlari bilan band bo‘lib, qator shogirdlariga ilm yo‘lida rahbarlik qilib kelmoqda. U respublikada birinchilardan bo‘lib, raqamli tarix masalasini ko‘tardi va shu yo‘nalishda grant loyihasi ustida ilmiy izlanishlar olib bordi.

ЗАМИРА РАЙИМОВНА – ВИДНЫЙ УЧЁНЫЙ, ПЕДАГОГ, ОРГАНИЗАТОР

Д.М. Иноятова,
доктор исторических наук, профессор

Как быстро пролетают года. Сегодня Замира Райимовна доктор исторических наук, профессор, известный ученый не только в республике, но и далеко за её педелями. Долгие годы она была заведующей кафедрой «История Узбекистана», деканом исторического факультета.

Свою будущую педагогическую и творческую деятельность, она начинала после окончания исторического факультета на межфакультетской кафедре История Узбекистана, где мы с ней и познакомились. Среди молодых коллег она уже тогда отличалась креативностью, постоянной работой над собой, повышением своего педагогического мастерства и научного потенциала, активно участвовала в работе университета и кафедры.

После успешной защиты кандидатской диссертации в 1997 году, её вскоре в 2000 году назначают на должность декана одного из крупнейших факультетов Национального университета Узбекистана им. Мирзо Улугбека - исторического факультета. В этой должности она проработала более 10лет. И надо сказать, очень хорошо справлялась. Факультет под её руководством значительно поднялся. Она относилась к факультету как к родному дому, в котором должен быть порядок, уют, благополучие.

В целях подготовки высококвалифицированных кадров ею были включены в государственные образовательные стандарты и учебные планы дисциплины, изучающие актуальные вопросы истории Узбекистана, обеспечена их прак-

тическая реализация в учебном процессе. В частности, для более глубокого изучения древней истории нашего Отечества и вклада предков в мировую цивилизацию по её инициативе на факультете было восстановлено направление бакалавриата «Археология», были открыты новые направления бакалавриата, такие как «Архивоведение», открыты специальности магистратуры «История и теория международных отношений», «Этнология», «Архивоведение».

Кроме того, в целях повышения качества преподавания, она ввела в преподавание современные информационные технологии обучения, активно применяла интерактивные методы, организовывала учебные занятия на базе музеев и научных центров - через филиалы кафедр, обеспечивая интеграцию науки и образования. Она создала условия для научно-исследовательской деятельности профессорско-преподавательского состава, что привело к значительному росту научного потенциала факультета: на факультете работали 2 академика, 10 профессоров - докторов исторических наук и около 30 кандидатов наук. Подготовила целый ряд учеников – докторов наук, PhD, магистров истории.

Благодаря усилиям Замиры Райимовны Исторический факультет стал базовым центром координации для подготовки историков в республике, в результате был организован «Совет деканов исторических факультетов» высших учебных заведений при Министерстве высшего и среднего специального образования Узбекистана. Ею ежемесячно проводились учебно-методические семинары, посвящённые обсуждению актуальных учебных и научно-методических вопросов. Она оказывала практическую помощь во внедрении инноваций в учебный процесс и повышении качества преподавания истории в вузах регионов.

Замира Райимовна в эти годы проделала большую организационную работу по обеспечению учебного процесса учебной, учебно-методической и научной литературой, ос-

нованной на актуальных проблемах исторической науки и ранее не введённых в научный оборот архивных документах, с целью объективного освещения исторического прошлого. В период её руководства исторический факультет добился высоких показателей в учебной и научно-методической работе, внёс значительный вклад в развитие Университета и высшего исторического образования.

Достижения Замиры Райимовны в педагогической, научной, общественной деятельности характеризуют её как человека креативного, волевого, хорошего организатора, лидера, способного объединить коллектив и мобилизовать всех для решения поставленных целей и задач. Она пользуется большим уважением и авторитетом не только среди профессорско-преподавательского состава вузов республики, но и зарубежом.

Дорогая Замира Райимовна поздравляю Вас с юбилеем! От всей души желаю Вам крепкого здоровья, новых творческих побед, оставайтесь такой же красивой яркой личностью на долгие лета! Счастье и мир вашей дружной семье!

ЁШЛАРНИНГ СЕВИМЛИ УСТОЗИ

З.Б. Рахмонкулова,
Узбекистон Миллий Университети Манбашунослик ва Архившунослик кафедраси мудири, профессор

Ўзбекистонда тарих таълими равнақига салмоқли ҳисса қўшган олимлар қаторида ўзининг сермаҳсул илмий ва методик тадқиқотлари билан илм-фан тараққиётига катта ҳисса қўшиб келаётган тарих фанлари доктори, профессор **Замира Райимовна Ишанходжаева** алоҳида ўрин тутади.

Замира Райимовна билан қарийиб **30 йилдан ортиқ вақт мобайнида** биргаликда фаолият юритиб, унинг юксак касбий маҳорати, илмий қатъияти ва педагогик маданиятига бевосита гувоҳ бўлиб келмоқдамиз. Олима ҳар доим тарих фанини чуқур илмий таҳлил асосида ўрганиш, архив ҳужжатлари билан ишлаш ва ёшларни мустақил фикрлайдиган мутахассис сифатида шакллантириш тамойилларига содиқ қолиб келган олима сифатида ажралиб туради.

Замира Райимовна Ишанходжаева нафақат олим ва педагог, балки таълим тизимида самарали раҳбар сифатида ҳам танилган. Хусусан, улар **2025 йилда ўзининг 90 йиллик юбилейини нишонлаган**, Ўзбекистон Миллий университети тарих факультети тарихида **деканлик лавозимини эгаллаган биринчи олима аёл** сифатида олий таълим тизимида аёл раҳбарларнинг нуфузини ошириш ва тарих таълими институционал ривожига муҳим ҳисса қўшган. Замира Райимовнанинг деканлик (2000-2010) фаолияти даврида факультетнинг илмий салоҳияти мустаҳкамланиб, таълим ва тадқиқот ишлари янги босқичга кўтарилди.

Замира Райимовна Ишанходжаева ўзининг кўп йиллик илмий-педагогик фаолияти давомида иқтидорли талабалар билан ишлаш масаласига алоҳида эътибор қаратганлиги

билан ажралиб туради. Замира Райимовна талабаларни нафақат аудитория машғулотлари доирасида, балки дарсдан ташқари вақтларда ҳам илмий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашни таълим жараёнининг муҳим таркибий қисми сифатида қараб келган. Профессор З.Р.Ишанходжаева иқтидорли талабалар билан ишлашда индивидуал ёндашув тамойилини устувор деб билган. Олима ҳар бир талабанинг қобилияти, қизиқиши ва илмий мойиллигини инобатга олган ҳолда уларни илмий тўгараклар, тадқиқот лойиҳалари, архив ва манба билан ишлаш жараёнларига жалб этган. Натижада талабаларда тарих фанининг мазмунини чуқур англаш, манбаларни таҳлил қилиш ва илмий хулоса чиқариш кўникмалари мустаҳкамланган.

Замира Райимовна талабаларнинг дарсдан бўш вақтларини мазмунли ташкил этишга ҳам катта аҳамият берган. Замира Райимовна раҳбарлигида илмий семинарлар, давра суҳбатлари, очиқ маърузалар, тарихий ёдгорликлар ва музейларга ташрифлар ташкил этилган бўлиб, бу тадбирлар талабаларнинг тарихий тафаккури, миллий ўзликни англаш ва маданий меросга бўлган қизиқишини оширишга хизмат қилган. Айниқса, илмий-амалий машғулотларни таълим жараёни билан уйғун ҳолда олиб бориш орқали назария ва амалиёт ўртасида узвий боғлиқлик таъминланган.

Олиманинг мазкур йўналишдаги фаолияти натижасида кўплаб иқтидорли талабалар илмий конференцияларда фаол иштирок этиб, мақолалар билан чиқиш қилган, кейинчалик эса магистратура ва докторантура босқичларида ўз тадқиқотларини муваффақиятли давом эттирган. Бу эса профессор З.Р. Ишанходжаеванинг ёш тарихчилар билан ишлашдаги тизимли ва самарали педагогик ёндашувини яққол намоён этади.

Замира Райимовна Ишанходжаеванинг кўп йиллик илмий-педагогик ва ташкилий фаолияти Ўзбекистонда тарих таълими ривожида муҳим ўрин тутади. Замира Райи-

мовнанинг сермаҳсул илмий изланишлари, ёшлар билан ишлашдаги инсонпарвар ва тизимли ёндашуви, шунингдек, таълим тизимидаги самарали раҳбарлик тажрибаси тарих фанининг мазмунан бойиши ва янги авлод тарихчиларининг шаклланишида салмоқли аҳамият касб этмоқда.

Замира Райимовнадан келажакда Ўзбекистонда тарих фани соҳасига ўз ҳиссасини қўша оладиган муносиб кадрлар тайёрлашда ўзининг муносиб ҳиссаса қўшишига ишонамиз.

МАҲОРАТЛИ СЕРҚИРРА ОЛИМА

Ў.С.Эрбўтаева,
Гулистон давлат университети
жамоаси номидан Қатағон қурбонлари хотираси
музейи директори

Муҳтарама Замира Райимовна! Гулистон давлат университетининг кўп сонли жамоаси Сизни 70-ёшли юбилей, муборак таваллуд айёмингиз муносабати билан самимий табриклайди ва муборакбод этади. Сизнинг 70-ёшли юбилейингиз нафақат жамоамиз, балки, шогирду-дўстларингиз, ҳамкасбларингиз ҳамда Сирдарёлик профессор-ўқитувчи ва илм аҳли учун ҳам катта тантанадир.

Сиз таълим тизимида ҳозирги кунга қадар Ўзбекистон Миллий университетида ўқитувчи, катта ўқитувчи, доцент, тарих факультети декани, Ўзбекистон тарихи кафедра мудири ва профессор лавозимигача бўлган шонли, шарафли ва машаққатли меҳнат йўлини муваффақиятли босиб ўтмоқдасиз.

Сизни нафақат Сирдарё вилоятимиздаги кўп соҳа мутассади раҳбарлари балки, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги раҳбарияти таълим самарадорлигини оширишда талабалар ва ёш кадрларни Ватанга садоқат руҳида тарбиялашдаги мураббийлик, ташкилотчилик қобилиятингиз ҳамда меҳнатингизни ҳурмат ва миннатдорлик билан тилга оладилар.

Сиз ҳозирда Ўзбекистон тарихи кафедраси профессори ва ўқитувчиси сифатида талабаларга таҳсил бериш, янги Ўзбекистонга муносиб малакали мутахасссис кадрларни тайёрлашда, педагогик-информацион технологиялар соҳасидаги инновация ғояларини ривожлантириш, ўрганилаётган предмет ва ҳодисаларни ҳиссий идрок этиш, илмий мушоҳада қилиш, мантиқий фикрлаш ва назарий билимла-

рини амалиётда қўллашда зарур ва долзарб ҳисобланган миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ фанларининг сир-асрорларидан талабаларга юксак даражада сабоқ бериб келмоқдасиз. Сизнинг ташаббусингиз билан “Рақамли тарих” грант лойиҳаси орқали “Қатағон қурбонлари Сирдарё вилояти мисолида” монографияси кенг оммага етказилди. Бу монографиядаги маълумотлар Ўзбекистоннинг энг янги тарихи саҳифаларида муносиб ўрин эгаллади.

Сиз барча лавозимларда билимдонлик, ҳозиржавоблик, ғайрат-шижоат, тинимсиз изланишлар билан меҳнат қилганлигингиз учун ҳам юқоридаги сингари фазилатларингиз ҳар қандай маъсулиятли ишни дадиллик билан бажара олишингизга ишонч билдиришга асос бўлади.

Бугунги кунда ривожланган ва демократик давлатларда ёшлар тарбияси масаласи кун тартибидаги муҳим вазифалардан бирига айланган бир вақтда, янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегиясида тарбия ва таълим масаласига устувор масала сифатида эътибор қаратилмоқда. Таълим-тарбия жараёнида нафақат фундаментал билимлар, балки инсонийликнинг турли қирралари, балки тарбия тушунчаси нуқтаи назаридан амалда ўз билим ва тажрибангизни номоён этмоқдасиз.

Сиз Президентимиз илгари сураётган Янги Ўзбекистонни барпо этиш стратегияси халқимизнинг асрий орзу-интилишларига мос, унинг миллий манфаатларига жавоб бера оладиган объектив зарурат, таълим-тарбия ривожининг мутаносиблигини таъминлашга қаратилган дастурилмал асосида ёшларнинг онгу тафаккурини маърифат асосида шакллантириш ва тарбиялашни энг муҳим вазифага айлантириш ўз олдингизга олий мақсад қилиб қўйгансиз. Юртимиз тараққиётнинг янги босқичига олиб чиқишда, бор куч-ғайратингизни аямай Янги Ўзбекистонни Учинчи Ренессанс пойдеворини бунёд этишда тинмай изланиб самарали меҳнат қилиб келмоқдасиз.

Бу йўлда маънавий-маърифий соҳадаги ислоҳотлар самарадорлигини ошириш, Учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш учун талабаларнинг хилма-хил ғоялари орасидан муносибларини танлаб, улар асосида халқимиз менталитетига ҳар томонлама мос келадиган, оммабоп, назарий, умумтарбиявий аҳамиятга эга назарияни ишлаб чиқиш устида тинмай меҳнат қилмоқдасиз. Шу билан бир қаторда Ўзбекистон хотин-қизлар “Олима” Уюшмаси раиси ўринбосари сифатида таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари билан ҳамкорликда хотин-қизларни илм-фан ва илмий фаолият соҳасига кенг жалб етиш, илмий ва инновацион фаолият билан шуғулланишга иқтидори бўлган хотин-қизларни аниқлаш, улар ижодий, интеллектуал ва ихтирочилик қобилиятларини рўёбга чиқаришда ҳамда стартап лойиҳаларини амалга оширишда фидокорона меҳнат қилиб келмоқдасиз.

Сизнинг юқоридаги фидокорона меҳнатларингизни муносиб баҳолаган ҳолда Ҳукуматимиз ва давлатимиз томонидан ёшларни тарбиялаш борасидаги фаол меҳнатларингиз учун Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг “Ёш авлодни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашда фаол иштирок этганлиги учун” кўкрак нишони, Тошкент шаҳар ҳокимиятининг “Маърифатли аёл” Фахрий ёрлиғи, “Меҳнат фахрийси” кўкрак нишонлари билан тақдирландингиз, “Миллий университет фидокори” мукофотига сазовор бўлдингиз.

Қадрли Замира Райимовна! Сизни Сирдарё халқи нафақат жонкуяр устоз, ташкилотчи раҳбар сифатида, балки нуфузли ва тотув оила бекаси, уч 8 нафар набира, 3 нафар фарзандларнинг меҳрибон онаси сифатида ҳам яхши билади ва қадрлайди. Сиз доимо оилангиз бахтига соғ-омон бўлиб, оилангиз хизматида бўлишдан чарчаманг, фарзандларингиз бахти-иқболини, набираларингизни тўйларини кўриб юринг.

Ҳурматли Замира Райимовна! Муборак таваллуд айёмингиз муносабати билан Сизни яна бир карра қутлаб, даврмизга хос баркамол авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялашдек шарафли ишингизда муваффақиятлар, узоқ умр, туганмас сиҳат-саломатлик, оилавий шодмонлик, барча эзгу ишларингизнинг тўла амалга ошишида омадлар тилаймиз.

ГЕНДЕР ТЕНГЛИК НАМУНАСИ БЎЛГАН ДЕКАН

З. Саидбобоев,
т. ф. д., Узбекистон Миллий университети
тарих факультети профессори

Эсимда, 2000 йилнинг бошида Миллий университетнинг тарих факультетига Замира Райимовна Ишонхўжаева декан этиб тайинланди. Уларнинг меҳнат фаолияти асосан факультетлараро Ўзбекистон тарихи кафедрасида кечгани, ҳолбуки, бу кафедра ҳам тарих факультети қошида бўлгани билан, лекин бошқа факультетларда ўқув машғулотлари олиб боришгани, кафедра эса университет марказий биноларида, факультет биноси шаҳарнинг Хадра майдонида жойлашгани боис, факультет профессор-ўқитувчиларининг баъзилари ва талабалари у кишини деярли танимас ва ҳатто кўрмаган эди.

Шу сабабли Замира Райимовна учун ҳам тарих факультетини дастлаб раҳбарлик маҳорати билан танита оладиган жиҳатдан бошқариш, жамоани орқасидан эргаштириш, яхши ўзгаришларни амалга ошириш бош масала бўлган бўлса керак, менимча.

Мен у кишининг оз эмас, кўп эмас 10 йиллик декан сифатидаги фаолиятининг фақатгина айрим тарафларигагина қисқача тўхталиб ўтмоқчиман.

Аёл декан. Ҳозирда ижтимоий-сиёсий лексиконимизга мустаҳкам ўрнашиб, тобора урфга айланган “гендер тенглик” деган атамани Замира Райимовнанинг деканлик фаолияти учун бемалол ишлатсак бўлади. Факультетнинг ўтган 90 йиллик тарихида бирорта аёл киши деканлик лавозимида ишламаган. Демак, бундай ўйлаб қарасак, Замира Райимовна бу билан гендер тенгликни 2000-йилларнинг бошларидаёқ бошлаб берган, ваҳоланки, у киши лавозимга

келган паллада гендер тенглик нима эканлигини кўпчилик билмас ҳам эди.

Яна бир жиҳат. 90-йилларнинг охирида қабул қилинган Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури, “Таълим тўғрисида”ги Қонунларни амалга ошириш, факультетдаги таълимнинг янги бакалавриат ва магистратура босқичлари тизимини амалиётга жорий этиш, ўқув режалари ва намунавий ўқув дастурларини ишлаб чиқишга масъул сифатида у киши бош-қош бўлган. Техник имкониятлар, шарт-шароит, профессор-ўқитувчиларнинг ойлик маошлари анча чекланган (очиқ айтганда анча кам бўлган) у паллада бу каби долзарб масалаларни ижобий ҳал қилиш улардан куч-қувват талаб қилиши билан бирга, жамоани бошланган ислоҳотларга ишончини оширишга рағбат бериш каби хислатларини кўрсатишни ҳам талаб қилган. Дарсларнинг сифати, малакали кадрларни факультетга жалб этиш ва бошқа ўнлаб муаммоли ҳолатларни ҳал этиш у кишининг зиммасида эди. Ҳозиргидек, ўтирволиб дарсларни кузатадиган видео кузатувлар, Хемис қаерда, дейсиз. Факультетимизнинг ўзига хос “видео-кузатуви” бўлган Абдураҳмон ака Холов ҳар бир дарс ўтилаётганлигини эшикдан бир мўралаб, биз ўқитувчиларга бошларини маъқуллагандек қимирлатиб кетгани, ҳаммаси жойида деган сигнал эди. Замира Райимовна шунга қарамай, баъзан ўзлари ҳам хонама-хона машғулотлар ўтказилаётганигини назорат қилардилар.

Юқоридаги барча ишларни, ўйлайманки, тажриба ва меҳнаткашлиги туфайли Замира Райимовна уддасидан чиқа олди. Замира Райимовна тарих факультетининг тарих, архившунослик археология каби бакалавриат йўналишлари, шунингдек, барча магистратура мутахассисликлари учун таянч олий ўқув юрти эканлигини инобатга олиб, бир неча йиллар факультетда ўзи бошчилигида республика олий ўқув юртлари тарих факультетлари деканлари кенгашини йўлга қўйиб, ОТМлараро интеграция, ўзаро мулоқотни ҳам йўлга қўйган ягона раҳбар эканлигини кўпчилик яхши эслайди. Бу билан у киши тарихий фанларни ўқитишни такомиллаштириш, ўқув режа ва дастурларни мувофиқлаштириш, узоқ ҳудудлардаги ОТМ тарих факультетларини ЎзМУ билан яқинлаштиришга каби ишларга ўз ҳиссасини қўшди.

“Кўча-кўч”. ЎзМУ тарих факультети биз ўқишга кирган 1993 йилда Амир Темур хиёбонидан Хадра майдонидаги бинога кўчирилган бўлса, Замира Райимовна деканлик қилган даврда 2 бор бошқа жойларга кўчирилди. Кўча-кўч осон иш эмас. Бунда ҳам у кишининг фақатгини раҳбар эмас, балки хўжалик ишларидан хабардор сифатидаги хислатларини кўрсатди. Айниқса, 2 марта (аввалига 2005 йилда химия факультети биносига, бир йил ўтиб эса 2006 йили ҳозирги бинога) кўчиш барча техник асбоблар, стол-стул, парталаргача шикаст етмазмай, ҳар бир донасигача авайлаб элтишни талаб қиларди. Декан сифатида, қолаверса аёл боши билан у киши бу ишларни бекаму кўст, йўқотиш ва зарарсиз бажариб, факультет жамоаси ҳамда талабаларининг янги жойларда адаптацияларини таъминлаб бердилар, десам тўғри бўлади.

“Талабалар турар-жойи”. Замира Райимовна талабалар учун ётоқхона (талабалар турар жойи) қурди, десам муболаға бўлмас. 2005 йилда республика ҳукумати Талабалар шаҳарчасидаги абгор ҳолдаги ётоқхоналарни қайтадан таъмирлаб, замонавий жиҳозлаш ва шу тариқа шарт-шароитларни буткул яхшилашдек ажойиб бир тадбирни бошлади. Қисқа муддатда тугалланиши мўлжалланган бу ишларга университет ётоқхоналари, қолаверса тарих факультети талабалар турар жойи ҳам киритилган эди. Бу ёқда факультетнинг ўқув жараёни, илмий-услубий ишлари, бир томонда юқори ташкилотларнинг ҳар кунлик назорати ва тинимсиз давом этаётган қурилиш майдони. Нима ҳам дейсиз, бу ишлар ҳам Замира Райимовнанинг даврига тўғри келган,

унинг гарданида экан. унинг кабинет одами эмаслигини очиб берган бир жараён.

Ҳар бир хона жиҳози, деворлар рангию, ошхона анжомларидан танловидан тортиб, ҳовли ландшафтигача бўлган ишларнинг барида Замира Райимовнанинг ҳиссаси бор эди. Шунинг учун ҳам давлат раҳбари, Биринчи президентимиз талабалар турар жойларининг очилиши муносабати билан айнан тарих факультети – Замира Райимовна бош бўлиб қад ростлаган бинога (ҳолбуки, ўнлаб талабалар турар жойлари таъмирланган эди) ташриф буюрган ва у киши ҳамда талаба ёшлар билан учрашган эди. Ҳатто шу муносабат билан телевидениянинг ҳамма кўрадиган расмий кўрсатуви “Ахборот”да университетда ўнлаб деканлар бўлишига қарамай, айнан у кишидан олинган интервью танлаб берилган эди.

Айнан ўша даврдан Талабалар шаҳарчаси Тошкентнинг қаровсиз, овлоқ бир жойидан ҳамма ҳавас қиладиган, четдан келганларга ҳам бемалол кўрсатса бўладиган, намунали бир нуқтасига айланди.

“Кучлар тақсимоти”. Беш қўл баравар эмас, дейди халқимиз. Замира Райимовна факультетнинг хоҳ катта, хоҳ кичик аъзоси бўлсин, улар билан тез-тез мулоқот қилиб, яқиндан билиш, ўзаро ишонч ришталарини яратишни канда қилмаган. У кишининг эшиклари баъзи раҳбарларга ўхшаб фақат хос, айрим кишиларгагина эмас, ҳаммага очиқ эди. Чунки эшик ортида иш, ташвиш ва бошқа муаммолар ҳал этилгани учун, у кишининг қабулига кўпчилик у талабами, оддий ўқитувчи, профессорми, фарқи йўқ, ҳамма келарди.

Энг муҳими, опа ҳар бир кишининг билим ва қобилияти, иқтидори, эплай олишига қараб топшириқ берарди. Бир гуруҳ кишилар бажарувчи, бир гуруҳ эса томошабин бўлиб турган эмас. Ҳаммани юқорида айтганимдек, ўз ўрнида ишлата билган ва умумфакультет муваффақиятларини таъминлашга ҳисса қўшишларига чорлаб келган. 2005 йил-

да октябрда менга Манбашунослик ва махсус тарих фанлари кафедрасини бошқаришни таклиф қилганларида, тўғриси масъулияти катта деб аввалига рози бўлмаган эдим. Яна бир гап. Деканимизнинг айнан мени мудир қилиб ўз командасига олишига ҳеч ким ишонмаган эди. Опа биргаликда ишлаймиз, билмаганларингизни ўргатамиз деб, университет раҳбариятига менинг номзодимни таклиф қилдилар. Шу тариқа, 30 ёшимда нафақат факультетда, балки ўша кезлар университетдаги энг ёш кафедра мудири сифатида токи бошқа лавозимга тайинланган 2014 йил августига қадар фаолият олиб бордим. Бу давр ҳам опани яқиндан билиш, уларнинг ишни ташкил этиш, ҳар бир воқеа-жараёнга алоҳида эътибор ва диққатли бўлиш, устозларни ҳурмат қилиш, ёшлар ва ҳамкасбларга ғамхўрлик кўрсатиш, қўл остидагиларнинг кч-қобилиятларидан самарали ва ўз ўрнида фойдаланиш каби ажойиб хислатларини кашф этдим. Бу мен учун катта мактаб бўлиб, кейинги раҳбарлик фаолиятимларимда бу жиҳатларни ҳар доим инобатга олдим.

Хулоса. Яқинда ўтган катта бир йиғилишда раҳбарлар фаолияти, масъуллигига тўхталиб, “ҳозир деканлик ва кафедра мудирлик шунчалик ҳавас қиладиган лавозимми” деган риторик бир савол янгради. Лекин шуни ишонч билан айтишим мумкинки, Замира Райимовна деканлик қилган 2000–2010 йиллар том маънода ҳавас қиладиган, ўрганадиган ва ўргатадиган давр сифатида ҳам эсланади. Жонкуяр, тиниб-тинчимас, жамоа ва унинг дардини билан, факультетим деб яшаган фидойи инсон Замира Райимовна Ишонхўжаевага узоқ умр, илмий ютуқлар ва мустаҳкам соғлик тилайман.

ЭЪТИРОФГА ЛОЙИҚ УСТОЗ-МУРАББИЙ

М.С.Ҳамидова,
т.ф.д. профессор,
ЎзМУ тарих факультети

Устоз-мураббийлар жамият тараққиёти ва ёш авлод камолотида муҳим ўрин тутувчи, юксак билим, тажриба ва маънавият соҳиби ва соҳибаларидир. Улар ўзларининг фидокорона меҳнати, масъулиятли фаолияти ҳамда касбий маҳорати билан таълим-тарбия жараёнини самарали ташкил этиб, малакали кадрлар етиштиришда муносиб ҳисса қўшиб келмоқдалар. Шундай мақомга эга устозларимиз сирасига тарих фанлари доктори, профессор Замира Раимовна Ишанхўжаевани киритиш жоиздир.

Узоқ йиллар Ўзбекистон Миллий университети тарих факультетида фаолият юритиб келаётган таниқли олима, устоз-мураббий Замира Раимовнанинг ҳар бир саъй-ҳаракати ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, уларни ватанпарварлик, ҳалоллик ва масъулият руҳида тарбиялашга қаратилган. Шунингдек, узтознинг таълим тизимини ривожлантириш, илғор педагогик тажрибаларни жорий этиш йўлидаги самарали меҳнати алоҳида эътирофга лойиқдир.

Замира опа Ўзбекистон Миллий университети Тарих факультети декани лавозимида ҳам фаолият юритган бўлиб, юксак илмий салоҳият, чуқур тафаккур ва самарали раҳбарлик фазилатларини ўзида мужассам этган етук олима аёлдир. У кишининг илм-фан ривожига қўшган ҳиссаси, педагогик маҳорати ва масъулиятли раҳбарлик фаолияти жамоа эътирофига сазовор бўлган. Профессор сифатида етиштирган шогирдлари, декан сифатида амалга оширган ислоҳотлари унинг фидойи меҳнати ва ташаббускорлигини яққол намоён этади.

Замира Раимовна тарих факультетига раҳбарлик қилган йилларида (2000-2010 йй.) янги бакалавриат таълим йўналишлари - “Архившунослик”, “Археология” (қайта тикланган) ва “Халқаро муносабатлар тарихи ва назарияси”, “Этнология”, “Ҳужжатшунослик ва архившунослик” каби магистратура мутахассисликларини очилишига катта ҳисса қўшган. Ўша даврда факультетда ўқув-методик ва тарбиявий ишлар юқори даражага кўтарилган. Раҳбарлик фаолияти давомида унинг ташаббуси ўқув жараёнини дарсликлар, методик қўлланмалар ва илмий адабиётлар билан таъминлаш, тарих факультетини илмий ва таълим марказига айлантиришга эътибор қаратилган. Педагогик фаолияти давомида эса замонавий таълим технологиялари, ахборот технологиялари ва интерактив усулларни таълимга жорий этилишига катта ҳисса қўшган. Музей ва илмий марказларда амалий дарсларни ташкил этиш натижасида факультет илмий салоҳиятини ошириш, ўқув жараёнларига соҳанинг етук мутахассислари, тариқли олимлар, академик ва профессорларни жалб этишни ташкиллаштирган салоҳиятли раҳбарлардан бири сифатида факультет тарихида ном қолдирган.

З.Р.Ишанходжаева Тарих факультетининг халқаро ҳамкорлигини ривожлантиришда ҳам фаол иштирок этиб, М.В. Ломоносов номидаги Москва давлат университетининг Осиё ва Африка институти (Россия Федерацияси), Копенгаген Фредериксберг семинариуми (Дания), Билефельд университети (Германия) ва бошқа марказлар билан ҳамкорликни йўлга қўйилишида муносиб ҳисса қўшган.

Умуман олганда, тарих фанлари доктори, профессор Замира Раимовна Ишанхўжаева тимсолида олий тоифали педагог, салоҳиятли раҳбар, фидоий фан арбоби ва заҳматкаш устоз-мураббийни кўриш мумкин. Умр йўли фақат илм олиш ва зиё нурини таратиш билан кечган устозимиз Замира Раимовнани табаррук ёши билан табриклайман.

Муҳтарама устозим! Сизга мустаҳкам соғлик, ёш авлодга таълим-тарбия бериш йўлидаги маъсулиятли касбий фаолиятингизда улкан муваффақиятлар ва келгусидаги илмий ишларингизда янада юксак натижалар тилаб қоламан!

ИШАНХОДЖАЕВА ЗАМИРА РАЙИМОВНА – ГЕНЕРАТОР ИДЕЙ!

Т.И. Дорошенко,
к.и.н., доцент исторического факультета
Национального Университета Узбекистана
им. Мирзо Улугбека

Замиру Райимовну знаю уже очень давно, когда мы вместе начинали свою трудовую деятельность на кафедре истории КПСС. Уже в молодые годы Замира Райимовна отличалась активностью, не только в педагогической сфере, но и в научной и общественной деятельности.

В дальнейшем мы перешли на межфакультетскую кафедру истории Узбекистана, в 1997 году она защитила кандидатскую диссертацию на тему «Участие Узбекистана в освоении Нечерноземной зоны Российской Федерации (1975-1985)».

В 2000–2010 годах Замира Раимовна была деканом исторического факультета. При ней были открыты новые направления бакалавриата - Архивоведение, восстановлено направление бакалавриата Археология, открыты специальности магистратуры: История и теория международных отношений, Этнология, Архивоведение. В эти годы исторический факультет добился высоких показателей в учебной и научно-методической и воспитательной работе. Она пользовалась и пользуется высоким авторитетом среди коллег.

З.Р.Ишанходжаева также активно развивала международное сотрудничество исторического факультета с зарубежными вузами, в частности с МГУ имени М.В. Ломоносова, Институтом стран Азии и Африки (Российская Федерация), Копенгагенским Фредериксбергским семинариумом (Дания), Университетом Билефельда (Германия) и другими научными центрами.

В 2012 году защитила докторскую диссертацию на тему «Репрессивная политика советской власти и ее влияние на культурную жизнь Узбекистана (1925-1955 гг.)».

Хочется отметить, что наряду с активной педагогической и научной деятельностью, Замира Райимовна всегда занималась и не отказывалась от общественной работы. Она принимала самое активное участие в подготовке архивных документов для музея «Памяти репрессий», а также участвовала в подготовке и открытии музея -«Шон Шараф» - Комплекса Парк Победы. Она является заместителем председателя Ассоциации женщин Узбекистана «Олима», ведет активную работу по поддержке женщин-ученых, работающих во всех регионах республики, в популяризации их талантов и научных достижений, по представлению молодых ученых Узбекистана и их достижений мировому научному сообществу.

В заглавие, я назвала Замиру Райимовну -генератором идей, и это действительно так. Замира Райимовна всегда интересуется последними новинками, инновациями в исторической науке, она действительно является генератором новых современных тенденций в исторической науке. Свидетельством этому является то, что именно она стала инициатором проведения первой в Узбекистане международной научно-практической конференции по цифровой истории и создала свой авторский спецкурс: «Цифровая история».

Она обладает организаторскими способностями, может сформировать группу единомышленников и может мобилизовать их для решения задач, стоящих перед коллективом.

В целом, она добрый, креативный человек, и в юбилейный год хочется ей пожелать крепкого здоровья и дальнейших творческих идей и свершений.

ДОМ, КУДА ХОЧЕТСЯ ВОЗВРАЩАТЬСЯ

Д. А. Гуламова,
PhD, подруга

Есть люди, о которых невозможно писать «со стороны». Любое слово сразу становится личным, потому что этот человек – часть твоей жизни, твоей памяти, твоего внутреннего мира. О Замире мне всегда трудно говорить вслух - не потому, что нечего сказать, а потому что слишком многое хочется сохранить нетронутым, таким, каким оно было и есть в душе.

Мы знакомы с юности. С того времени, когда жизнь ещё только начиналась, когда всё впереди казалось бесконечным и возможным. За эти годы мы прошли рядом через очень многое. Были дни, наполненные радостью, были моменты тревоги, ожидания, усталости, сомнений. Были победы, о которых не кричат, и труд, о котором редко рассказывают. И во всём этом Замира всегда была рядом - не громко, не напоказ, а по-настоящему, надёжно.

Мы вместе взрослели, вместе учились быть сильными и терпеливыми. Мы видели, как растут наши дети, как меняется жизнь, как день за днём мы становимся другими. И я с уверенностью могу сказать: наших детей мы любили и любим как родных - без разделения, без условностей. Это было естественно, потому что рядом с Замирой всегда было ощущение семьи, даже если ты приходила просто в гости. Раньше мы чаще заходили друг к другу. Иногда - без звонков и договорённостей, просто по дороге. Иногда - потому что было тяжело и нужна была поддержка. Иногда - просто чтобы посидеть рядом и помолчать. И это молчание было важнее слов.

О Замире много говорят как о человеке с большими достижениями, заслугами, признанием. Всё это справедливо. Но если быть честной до конца, для меня её самая большая ценность - в другом. В том, какой она была и остаётся Мамой.

Я редко видела такую связь между матерью и детьми. Её дети словно тянулись к ней всей душой, как к источнику света и спокойствия. Они крутились вокруг неё, искренне заботились, обнимали, радовались просто тому, что она рядом. И в этом не было ни капли показного - только любовь, уважение и глубокая привязанность.

Я помню, как приходила к ним домой. Едва открывалась дверь - и ко мне уже бежали дети, смеялись, обнимали, прижимались так, будто я была частью их собственного мира. В эти минуты я чувствовала себя по-настоящему счастливой. Это было чувство абсолютного принятия, тепла и радости, которое невозможно придумать или сыграть - оно либо есть, либо нет.

Я не раз спрашивала у Замиры: в чём её секрет, что она им говорит, как воспитывает? Она всегда улыбалась - мягко, немного смущённо - и словно не находила слов. И теперь я понимаю: потому что она ничего особенного «не делала». Она просто любила. Каждый день. Терпеливо, внимательно, без громких слов. И меня она тоже умела окружить такой заботой, что на душе становилось светло. Снимешь обувь - а под ногами уже мягкие тапочки. На столе - чай, ароматный, домашний, с чем-нибудь вкусным. И вдруг исчезала спешка, усталость, тревоги. Хотелось остаться, посидеть, поговорить, или просто быть рядом.

